ШОҲИДАХОН ЮСУПОВА
ОЙДИНОЙ ҒОЗИЕВА

ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ

Тошкент – 2013

ОНА ТИЛИ ЎКИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ

Шоҳидахон ЮСУПОВА - педагогика фанлари доктори, Андижон давлат университети тил ва адабиёт ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Ўзбек тили таълимига доир дастур, дарслик, монография, ўндан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, юздан зиёд илмий-методик мақолалар муаллифи. "Устоз" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиби (1999), "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танлови ғолиби (2006).

Ойдиной ҒОЗИЕВА - Андижон вилояти Шаҳрихон иқтисодиёт коллежи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Педагогик грантлар соҳиби (2010), ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича "Энг яхши она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят бўйича ғолиби. "Асл қалби" шеърий тўплами ва кўплаб илмий-методик мақолалар муаллифи.

BAYOZ

ISBN 978-9943-4144-8-8

Шоҳидахон Юсупова
Ойдиной Ғозиева

Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури

33857
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TeshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

"BAYOZ" нашриёти
Тошкент – 2013

Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда она тили ўқитишдан асосий максад ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда нутқ ўстиришдан иборат эканлиги барчамизга маълум. Ана шу мақсаднинг қандай амалга ошиши, аввало, ўқитувчининг ижодий изланишига, таълим-тарбия жараёнида самарали усулларни топа олиши ҳамда ундан унумли фойдаланишига боғликдир.

Ўқувчи ва талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ўстириш учун уларнинг диққати, ҳиссиёти, қизиқишларини жонлантириш лозим. Бу эса дарсда турли педагогик технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Мазкур тўплам ана шу мақсадни амалга ошириш учун бир туртки бўлади, деган умиддамиз.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида фаолият олиб бораётган она тили ва адабиёти ўқитувчиларига, филология факультети талабаларига ва бошқа қизиққанлар учун тавсия этилади.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев
Тақризчилар:
филология фанлари номзодлари, доцентлар:
Ҳ.Каримов, Б.Раҳмонов.

Ш.Юсупова, О.Ғозиева. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури.

Ушбу услубий қўлланма Андижон давлат университети Илмий кенгашининг 2013 йил, август ойида ўтказилган йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ
(усул ва йўллари)

Дарсда ўқувчи-талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, янги ғоя ва фикр бера олишга ўргатиш, илмий дунёқарашини таркиб топтириш бош вазифаларимиздан биридир.

Ўқувчи-талабаларнинг онгига, тафаккурига таъсир этиш учун таълим мақсади, принциплари уни ташкил этиш шакллари, мазмуни, методлари, воситалари, натижаларини мақсадли йўлга қўйиш кутилган натижани беради. Таълимнинг бундай ўзаро боғлиқ бўлган қисмларини дидактика ўргатади.

Ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини белгилаш ҳар бир фаннинг вазифаси. Мазкур педагогик эҳтиёжлар ўқувчи, талаба шахсига йўналтирилган ранг-баранг интерфаол усуллардан фойдаланиш зарурияатини вужудга келтиради. Чунки таълим мазмуни турли грамматик билимларни ўргатишдангина эмас, балки ўқувчи-талаба шахсининг ривожланиши учун зарур бўлган энг янги ахборот ҳамда тушунчалар тизимини ўзлаштириш имконини берадиган кўникма ва малакаларни шакллантиришдан ҳам иборатдир. Ўқув-билув жараёнининг назарий жиҳатларини ўрганиш ҳамда таълим амалиётини такомиллаштириш учун интерфаол педагогик технологияларни мақсадли равишда ташкил этиш зарур. Бунинг учун, албатта, метод, усул ва технологияларни ўқитувчи нафақат билиши, балки уни ташкил этиш усулларини, амалиётга татбиқ этиш йўлларини ҳам пухта билишлари зарур.

Аввало, метод тушунчасига эътибор берайлик. Метод юнонча сўз бўлиб, йўл, усул маъносини англатади. Метод фалсафий жиҳатдан жамият ва табиат ҳодисаларини кузатиш ҳамда воқеликка илмий нуқтаи назардан ёндашиш демакдир. Дидактик маънода ҳамма фанлар учун умумий бўлган ўқитиш усуллари ҳамда воситаларини ўз ичига олади. Айрим фанларни ўқитиш билан алоқадор масалаларни хусусий методика ўргатади. Она тили ўқитиш назарияси ва методикасининг умумий йўлини ҳам дидактика белгилаб беради.

Она тили ўқитувчиси ўқувчиларга билим беришда ўз меҳнатини енгил, лекин самарали ва завқли қиладиган иш усулларини қўллайди, ўқувчиларнинг билим ва малакаларни мустаҳкам ўзлаштиришлари ҳамда амалда қўллай олишларига кўмаклашадиган машқлар танлайди. Мана шулар бир бутун ҳолда ўқитиш методи ҳисобланиб, мажозий маънода у санъат деб ҳам юритилади. Демак, она тили ўқитувчиси, мутахассис сифатида, лингвистикани мукаммал билиши ва дастур материаллари бўйича ишлаш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур.

Ўқитиш методларини танлашда икки муҳим нарса назарда тутилади: а) ўқувчиларнинг ўқитувчидан назарий билим олиш фаолияти; б) буни турли машқлар воситасида онгли ўзлаштириб, амалда қўллай олишлари лозим.

Маълумки, таълим мазмунининг асосини ўқитиш методлари ташкил этади."Метод" сўзи маълум мавзуни ўтиш жараёни, умуман, маълум характердаги мавзуларнинг ўтиш усули сифатида ва ҳатто маълум ҳолатда қўлланадиган йўл мазмунига эга.

Метод таълим жараёнида таҳлил қилинганда, мукаммал ва аниқ тамойилга эга бўлган, ўзига хос таълим тизимини шакллантирадиган, ўз усул ва йўлларига эга бўлган ўқитишнинг кўринишидир.

Энг аввало тадқиқ ва ўқув методларининг фарқланишини эслатиш жоиз. Ўзбек тили ўқитиш методикаси ўзининг текшириш методларига эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) кузатиш методи. Бу метод билан ўқувчиларнинг дарсларида, синфдан ташқари машғулотларда ва уйда она тилидан бажарадиган ишлари маълум бир максадда кузатилади, унинг фаолияти ҳисобга олинади ва таҳлил қилинади;

б) тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш методи: Ушбу метод педагогика фанларини ривожлантиришнинг бош омилларидан биридир. Илғор ўқитувчилар ўз ижодий ютуқларини кўпроқ "педагогик ўқишлар", турли хил танловлар орқали ўртоқлашадилар. Уларнинг иш тажрибалари вақтли матбуот орқали оммалаштирилади. Илғор ўқитувчининг фаолиятини, ўқитиш усулларини таҳлил этиш методика фани

билан бераётган назарий хулосаларнинг тўғрилигини текширишда асосли ва ишончли мезон бўлибгина қолмай, айни вақтда, методика фанини янгиликлар билан ҳам бойитади.

в) ўқувчилар билан шахсий суҳбат методи (индивидуал ишлаш билан биргаликда олиб борилади);

г) анкета (бир вақтнинг ўзида бир неча ўқувчига савол бериб, уларнинг айни бир ҳодисага турлича муносабатини аниқлаб олиш) методи;

д) тажриба-синов. Методист-олимлар ўз ғоялари, фараз ва тавсияларининг қанчалик самарали эканлигини дарс жараёнида тажриба қилиб кўрадилар;

е) методик меросни ўрганиш. Ўзбек тили ўқитиш методикаси билан боғлиқ бўлган тарихий меросни ўрганиш муайян иш тажрибаларини ривожлантириш босқичларини тарихий шаклларини ўрганиш имконини беради.

Метод танлашда қуйидаги омиллар асосга олинади: а) ўқувчилар билимини қайси манба (ўқитувчи, жонли тил, ё китоб)дан оладилар; б) ўқувчиларни машғулотга жалб қилиш жараёни (мойиллик, қизиқиш ва бошқалар); в) ўқувчиларнинг мустақил ишлаш шакллари (ёзма ва оғзаки) ҳамда ўрни (аудитория, синфда ёки уйда).

Грамматикадан ўқувчиларга янги билим беришда суҳбат, баён, таъриф ва қоидалар устида ишлаш, ўтилганларни такрорлаш ва умумлаштиришда турли хил грамматик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Орфографик ёки пунктуацион билим-малакаларни мустаҳкамлашда турли хил таҳлиллар, кўчириб ёзиш, турли матнлар устидаги ишлар кутилган натижани беради.

Метод танлашда унга ижодий ёндошиш талаб этилади. Она тили ўқитишнинг йўналиши ва ундан кузатилган мақсад ўқитувчининг иш усулларини белгилайди[1]

Таълим методларининг асосий таркибий қисмларидан бири таълим усулидир. Усулни баъзи дидакт методнинг қисми деб билсалар, бошқаларида методга тенглаштирилади. Жумладан, ўқитувчининг дарснинг катта қисмидаги маърузасига метод,

---

1.Рустамов Ё., Расулов И., Рустамов Ҳ., Мирзаахмедов Б. Ўзбек тили ўқитиш методикаси – Т.:"Ўқитувчи",1975.64-б.

қисқа муддатли маърузасига усул деб ном қўйилади. Ўқувчиларнинг дарслик билан ишлашлари дарснинг асосий қисмида амалга оширилса метод, озроқ қисмида бўлса, усул деб талқин этилади.

Кўриниб турибдики, методлар усуллар тизимидан ташкил топар экан, яъни маълум методни шакллантирувчи турли усуллар мавжуд экан, маълум метод учун алоҳида олинган усул мавжуд бўлиши ёки бир қанча усуллар турли методлар таркибида ишлатилиши мумкин. Маълумки, ўқитувчининг маҳорати, даставвал, ўқувчиларда билимни ўрганишга ҳавас уйғота олиши билан белгиланади. Бунда ўқитувчига хилма-хил усуллардан фойдаланиш ёрдам беради. Усул методнинг таркибий қисмидир. Усул методга нисбатан чекланган ҳолда татбиқ этилади.

Метод, усул ва восита тушунчалари бир-бирлари билан алоқадор, бироқ улар ўзаро фарқланади. Восита маълум методнинг шаклланишидаги моддий ҳолат бўлиб, у предмет орқали, амалиёт ёки интеллектуал ёҳуд ҳиссиёт орқали бўлиши мумкин. (Предмет орқали деганда, кўргазмали қуроллар, техник ва ахборот воситалари, маълум предмет ва бошқалар тушунилади). Жумладан, ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилиб, уларга ўз ўртоқларига таъриф беришларини, уларнинг оғзаки равишда фотосуратини чизишларини талаб этади. Бундай таъриф беришда ўқувчилар жонли кўргазмадан фойдаланадилар. Ўқувчилар ўз ўртоғига баҳо бериш давомида ўқитувчи қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради:

1) лисоний қобилияти;

2) ижтимоий келиб чиқиши ва унинг маданий статуси (маълум ижтимоий гуруҳга оидлик, касби, лавозими, маълумоти, яшаш шароити, оилавий аҳволи);

3) биологик-физиологик кўрсаткичлари (жинси, ёши, соғлиги, жисмоний нуқсонлари мавжудлиги ёки йўқлиги);

4) руҳий-психологик томони (темпераменти);

5) вазиятга қараб руҳий ҳолати (кайфияти, интилиши, қизиқиши);

6) дид ва қизиқиши;

7) хулқ-атвори.

Санаб ўтилган социолингвистик томонлар ҳақида фикр

билдириш жараёнида ўқувчиларнинг нафақат сўздан фойдаланиш имкони синаб кўрилади, балки унинг дунёқараши, мулоқот тамойилларига амал қилиши, ижтимоий фаолиятда ундан қай даражада фойдалана олиш кўникмаси ҳам назардан ўтказилади. Аксинча бўлса, ўқувчининг фикрлаши тор, нутқи гализ бўлади. Чунки ўқувчига ўртоғингизга баҳо беринг, деб топшириқ берилганда, улар ўртогининг характерию, кўринишини қайд этади, холос. Шунинг учун ҳам таълим босқичларида она тили материалларини ўргатишда ўқувчини ижодкорликка йўналтирувчи турли метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин ана шу методларни тўғри танлай олиш ўқувчи шахсини ривожлантиришда, уни фаоллаштиришда асосий ўрин эгаллайди. Ўқитувчи таълим методларини тўғри танлаши учун қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Танланаётган метод тил материали мазмунига мос келсин. Мавзунинг мураккаблик даражаси, ўрганилаётган ўқув материали юзасидан ўқувчиларда айрим тушунчаларнинг мавжудлиги, ўқув материалининг ҳажми таълим методини танлашга таъсир этади.

2. Метод она тили ўқитишнинг умумдидактик ва ўзига хос принципларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратсин. Она тили ўқитишнинг болага маълумот бериш, тарбиялаш ва унинг шахсини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Системалилик ва изчиллик, назария билан амалиётнинг узвий алоқасини акс эттириши лозим.

3. Ўқитиш методи она тили дарсларининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келсин. Она тили дарслари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар билан бирга **коммуникатив** мақсадни ҳам кўзлайди. Бунда нуткда лексик, грамматик, орфографик, орфоэпик, пунктуацион меъёрларга амал қилиш қоидаларини ҳам дарс давовмида ўргатиб бориш таазо етилади.

4. Метод она тили материалларининг хусусиятларига ҳам мувофиқ бўлиши лозим, яъни ўқитувчи метод танлашда мавзунинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Масалан, “Лексика” бўлимини ўтишда бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни топиш, сўзни уядоши билан, маънодоши билан алмаштириш кабиларни ўргатишда турли интерфаол метод ва иш

усулларидан фойдаланиш ўқувчиларга мавзуни тушунтиришда қўл келади. Сўз ясовчи қўшимчаларни ўргатишда аффикслар синонимияси, аффикслар омонимияси каби ҳодисаларга эътибор бериш, уларни фарқлаш, таснифлаш, қиёслашни билишга ўргатиш мақсадга мувофиқ.

5. Танланаётган метод ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, мустақил ишлаш қобилияти, ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳам ҳисобга олиш керак. Кичик ва ўрта мактаб ёшида бола тез-тез чарчайди. Шунинг учун она тили дарсларида таълим методларини алмаштириб туриш уларнинг тил материалларига бўлган қизиқишини оширади ҳамда ўқув-билув фаоллигининг узоқ вақт давом этиб туришини таъминлайди.

6. Танланган метод мунтазам равишда орфоэпик, орфографик ва пунктуацион малакаларни шакллантириш ҳамда нутқнинг аниқлигини таъминлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Орфоэпик ва орфографик саводхонлик фақат шу мавзуларни ўтишда эмас, балки она тилининг барча бўлимларини ўтишда амалга оширилади.

7. Таълим методи она тилидан берилаётган билимларнинг манбаига боғлиқ. Агар ўқувчи билимларни ўқитувчининг жонли сўзидан оладиган бўлса, унда асосан, тушунтириш-намойиш этиши, муаммоли баён методларидан фойдаланамиз.[2] Агар билим китобдан олинадиган бўлса, кўпроқ ўқувчиларни мустақил ишларини уюштириш орқали репродуктив, қисман изланувчанлик ва изланувчанлик методларидан фойдаланишга тўғри келади.

Қўлланилаётган метод ўқув материалини ўрганиш учун ажратилган вақт ва ўқувчининг имкониятларига ҳам мувофиқ келиши лозим. Мавзуни ўрганишга ажратилган вақт оз бўлса, ўқувчиларнинг изланишига асосланган методларни қўллаш қийин. Бундай ҳолларда ўқитувчининг баёни ижодийликка йўналтирилган суҳбат асосида ташкил этилади.

Ўқитувчи таълим методини танлашда, энг аввало, ўқувчиларни фаоллаштиришни назарда тутмоғи зарур. У дарснинг аниқ мақсади ва вазифаларидан, материалнинг мазмунидан, ўқувчиларнинг ўқув имконияти ва ўзининг

---

[2] Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. Тошкент "Ўқитувчи" 1992. 58-бет.

имкониятларидан келиб чиксагина ўзлаштириш сифатини яхшилашга, тил материалларига бўлган кучли қизиқишни вужудга келтиришга, оғзаки ва ёзма малакаларнинг такомиллашишига, интеллект даражаси юқори бўлган шахсни тарбиялашга эриша олади.

Маълумки, она тилимизнинг ёзма, огзаки имкониятларидан максимал, ўринли, таъсирли фойдаланиш учун янги усул ва йўлларни излаш, амалиётда қўллаш ҳар бир ўқитувчида ижодкорлик, янгилаш, яратиш ҳиссиётини шакллантириши табиий ҳол бўлиши керак. Мана шу ўринда ўқитувчи учун муаллимлик фаолиятида зарурий бўлган маърузани олиб бориш, суҳбатни қизиқарли ва илмий ўтказиш, ўқувчиларга ахборотни таъсирли ва ишонувчан етказиш, лаборатория машғулотларини режа асосида мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб бориш, кўргазмали қуроллардан ёки техника воситаларидан самарали фойдаланиш, ўзининг ва бошқа муаллимларнинг тажрибаларидан онгли, зарурий ҳолда логик ва эстетик тамойилларга амал қилган ҳолда фойдаланиш каби элементларни айтиб ўтиш жоиздир. Бунда ўқитувчи имкониятлари ўқувчиларнинг савиясига, билим ва малака даражасига, талабаларнинг қизиқиши ва бошқа жиҳатларига боғлик бўлиши керак. Акс ҳолда, яхши усул, мўлжалланган метод натижа бермайди. Жумладан, ўқитувчи муаммоли дарс методидан фойдаланмоқчи бўлса, ўқувчиларнинг илмий билим даражалари, қабул қилиш, такрорлаш, хулосалаш қобилиятлари бунга жавоб бермаса, ўқитувчи ўз мақсадига ета олмайди. Шунинг учун ҳар бир дарс бўйича метод ва усуллар танлаши, шакл ва воситаларидан фойдаланиши, қисқаси, дарснинг структур-схемаси ўқитувчи томонидан обдан ўйлаб режалаштирилган бўлиши шарт.

Ўқитувчиларнинг ижодкор, изланувчан бўлишлари ҳозирги даврнинг талабидир. Ўқитишнинг дидактик методлари соҳасида тўпланган барча бойликларни эгаллаш ва уларни ҳар доим янгилаб бориш ўқитувчилар олдига масъулиятли таълим бериш вазифасини юклайди.

Мактабларда интерфаол усулдаги дарс шаклларидан фойдаланиш, дарснинг маълум қисми(этаплари)ни интерфаол технологиялар асосида ташкил этиш, дарсда муаммоли вазият,

мунозарали ҳолат келтириб чиқариши, семинар - дарс, мунозара - дарс, мусобақа - дарс, викторина - дарс, саёҳат - дарс каби шакллардан фойдаланиш таълимни такомиллаштириш, ўқувчилар билимининг самарадорлигини ошириш омилларидан экани туфайли бу масалаларга эътибор кучайиб бормоқда. Интерфаол усулларни қўллашда, албатта, сон жиҳатидан қувиш эмас, балки сифат ва самарадорликка эришиш, ўқувчини шахсини юқори босқичга кўтариш асосий масалалардан бўлмоғи барчамизга маълум. Бундай дарс усулларининг қўлланиши ўқитувчидан куч ва маҳорат талаб этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи унинг самарасини аввалдан кўз олдига келтириши, лойиҳалаштириши, шунга кўра уни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий ўқитишга, интерфаол усулларга кенг йўл очилиши "анъанавий дарс усулларининг бир қолипга тушиб қолган, болани зериктирадиган, алмисоқдан қолган усуллардан фойдаланишнинг самарасизлиги, ўқувчиларга фақат қоидани ёдлатиш, лекин уни амалда қўллашда ожизликнинг ҳосил бўлгани, ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма нутқининг талаб даражасидан ниҳоятда пасайиб кетганлиги ва шуларнинг натижасида уларда фикрлаш, тафаккур мантиқий фикрнинг пассивлашгани натижаси деб билиш мумкин. Кўпгина мактабларда нутқ ўстириш ўрнига ҳали ҳам грамматикага ўргатиш давом этяпти"[1].

Замонавий ўқитишдан кўзда тутилган максад ўқувчиларга фақат билим; кўникма, малака беришдан иборат бўлмасдан, ўқувчиларни табиий шароитга яқинлаштиришдан иборатдир, Янги дарсда вужудга келадиган муаммоли вазиятларни ўзларида мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалар орқали ҳал қилишга, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишдан иборатдир. Шундагина ўқувчи дарсда фаол иштирок этувчи субъектга айланиши, эркин фикрлай олиши ва ўз фикрини айтиши ва уни ҳимоя қила олиши, ташаббускор мустакил бўла олиши мумкин. Бу хусусиятларнинг шаклланиши ўқувчининг руҳий ҳолатига ҳам таъсир этади ва

[1] Маҳмудов Н. Она тили ўқитишнинг долзарб муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. 1993. 3-4.

ноанъанавий таълим натижасида ўқувчиларда ўзига хос психологик характер шакллана боради: ҳар қандай ҳолатда ўз фикрини айтиш, бошқалар фикрини муҳокама қилиш, хулосалаш, киёслаш, инкор қилиш каби хусусиятлар таркиб топа боради. Интерфаол усулларда ўқувчи субъекти етакчи саналади. Умуман олганда, интерфаол усулда дарс ташкил қилишда ўқувчи дарсда фаол иштирок этади ва билим олувчи, ўз билимини намойиш этувчи ва ҳатто билим берувчи бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда "замонавий технология", "интерфаол усуллар", "ноанъанавий метод, усуллар", "интерфаол метод" каби атамалар остида она тили ўқитиш хусусидаги илмий тадқиқотлар, мақолалар, ахборот ва тезислар берилмоқдаки, бу ишларнинг барчасида дарснинг маълум типи ёки босқичларида дарс самарадорлигини оширувчи усуллардан фарқли бўлган усул ва йўл кўрсатилмоқда.

Дарс таълим бериш мақсадига йўналтирилган ўқитиш жараёни бўлиб, у таълим олиб бориш мақсадига кўра маълум талабларга жавоб бериши керак. Ҳар бир дарс учун талаб қилиниши лозим бўлган нарса шуки, доимо бир хил шакл ва методларда дарс ўта бериш ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини сусайтиради, уларни руҳий толиқтиради, шунинг натижасида шу ўқитувчининг дарсларида зерикиш пайдо бўлади.

Дарсни интерфаол усулларда ташкил этишда эса ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз устида ишлайди, масалага ижодий ёндашишга ҳаракат қилади. Интерфаол усуллар дарсни ташкил этиш ва ўтишда анъанавий усуллардан фарқланувчи ҳолатни билдиради ва у ўқувчиларни ижодийлик сари етаклайди. Умуман олганда, ўқитувчининг таълимга ижодий, самарадор ёндашишини ҳамда машғулотларни ўзгача олиб боришини таълимни интерфаол усулда олиб бориш, деса бўлади.

Ўқитувчи ўқувчи шахсини ривожлантириш мақсадида таниқли шоир Икром Отамуроднинг "Ўрин" деб номланган достонидан парчани ёздириб, сўнгра ўқиб эшиттиради. У қуйидагича бошланади:

... Нимадир...
... Қачондир...
... Кимдир... –

Достон қуйидаги сатрлар билан тугайди:

... Кимдир...
... Қачондир...
... Нимадир...

Ўқитувчи ўқувчиларга шундай савол билан мурожаат қилади. Сатрларнинг боши ва охиридаги уч нуқталар, сўроқ ва гумон олмошлари нималарни ифода этмоқда? каби.

Эътибор беринг? Қисқа сўзлар ва ишоралар ортида қандай маънолар, дардлар, туйғулар яширинган. Шоир ушбу уч сўз орқали дунёни изтиробга солаётган муаммоларни айтиб ўтмоқчи бўлганлигини тушунтиради.

Ўқувчиларга мурожаат қилинади. Ушбу бошланиши уч, охири яна уч сўздан иборат бўлган сўзларда сиз нималарни англадингиз, нима ҳақида ўйладингиз? Ўз-ўзингизга муаммоли савол қўйинг ва уни ечиш йўлларини хам ўрганинг. Ушбу сўзлар оркали кичик матн тузинг.

Ўқувчи фикрини ўргангандан кейин ўқитувчи қуйидагиларни уқтиради: сатрларнинг бошидаги ва охиридаги уч нуқталар, сўроқ ва гумон олмошлари ўқувчи олдига савол қўяди. Бу гапнинг учини сал чиқариб қўйиб, жим бўлиб, сукут сақлаб қолган одамнинг ҳолатини эсга солади. Қисқа сўзлар ва ишоралар ортида кўп маънолар, дардлар, туйғулар яширинган. Ўқитувчи ушбу муаммоли топшириқни қуйидагича таҳлил қилиб беради.

Биз биламизки, уч нуқталар – чексизлик, олмошлар – олам ва одамнинг яралишини англатади. “Нима?” сўроги нарсаларга, “Ким?” сўроғи эса одамларга нисбатан ишлатилишини ҳисобга олсак, топишмокнинг ечимига калит топилади. Ўз-ўзимизга савол берайлик:

– Нима?
– Дунё.
– Нима?
– Ҳаёт.
– Ким?
– Одам.
– Қачон?
– Худо билади...

Савол-жавоб шу тарзда узлуксиз давом этиши мумкин. Чексиз ва бепоён оламни тўлиқ билиш мумкин эмас. "Ким? Нима? Қачон?"[1] саволларига одамзод яратилганидан буён жавоб излаган. Бундан кейин ҳам жавоб излайверади. Ушбу жумлалар "Одамлар туғиладилар, яшайдилар, вафот этадилар" деган машҳур ҳикматга ўхшашлигини ўқитувчи хулоса сифатида баён қилиши мумкин.

Юқоридаги ҳикматли сўзлардан сўнг иккинчи топшириқ берилади. Сиз ҳам ҳар бирингиз ўртоғингизга шундай саволни беринг. Ўртоғингиз жавоб берсин. У шу уч саволга жавоб бериш учун нималарни тасаввур қилдингиз?

Юқоридаги топшириқ маҳсулдор даражада бўлиб, ўқувчи ўзининг фантазияси асосида жавоб беради. Бундай маҳсулдор ўқитиш дидактик аҳамиятга эгадир, чунки мазкур топшириқни бажариш жараёнида ўқувчилар мантиқий фикр қиладилар, топшириқларни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар, тасаввур даражалари кенгаяди.

Ўқитувчи ўқитувчиларда муаммоли вазиятни ҳосил қилишдан олдин уларда биринчи тасаввурларини кенгайтиришлари зарур. Чунки тасаввур билишнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Ана шундай ўқитишни йўлга қўйсак, ўқувчи-талабаларда мақсадга интилувчанлик пайдо бўлади, ўқув мақсади, ўқувчининг ўзлари томонидан белгиланади ҳамда унда ишонч пайдо бўлади, бу ишонч, албатта. муваффақиятга олиб келади. Ўқувчиларнинг ижодкорликка бўлган эҳтиёжини қондириш учун турли усуллардан фойдаланиш мақсадни тўғри белгилаш учун асос бўлади.

---

[1] Мусурмон Р. Ўринли сўз. "Шарқ юлдузи" журнали. 2013 № 3.27-28-б.

Замонавий педагогик технологиянинг талаби ҳам ўқувчиларнинг сезгиларига таъсир қилиб, уларда, энг аввало, мотивация уйғотишни талаб этади. Ўқувчида мотивация ҳосил қилиш педагогик технологиянинг зарур шартидир.

Маълумки, ижодий тафаккур мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнда қўйилган савол кетидан дастлаб вазифа ифодаланади, сўнгра эса вазифани ечиш жараёни, яъни қўйилган саволларга жавоб қидириш жараёни бошланади.

Тафаккур жараёнининг шундан кейинги босқичи-жавобни излашдан, масалани ҳал этишга олиб келадиган йўлларни, воситаларни, қоидаларни, усулларни қидириш ва татбиқ қилишдан иборат бўлади. Қўйилган саволларга бериладиган жавобларни баъзан идрок қилинаётган теварак-атрофдаги вазифалардан қидиришга тўғри келади. Бундай ҳолларда тафаккур жараёнларидаги одамнинг кузатувчилик қобилияти катта аҳамиятга эга бўлади.[1]

Маълумки, интерфаол усулларни дарс самарадорлигини оширувчи восита сифатида талқин қилиш мумкин.

Она тили дарсларининг самарадорлигини оширишда интерфаол усулларнинг аҳамияти катта бўлиб, унда ўқувчиларнинг билим олиши мажбурий эмас, балки қизиқишлар асосида рўй беради. Шуни эътиборга олиб, маълум мавзулар ўтилгач, кичик ёки катта матнлар туздириш ва уларни ўша мавзу доирасида шарҳлаш аҳамиятли саналади.

Абу Наср Фаробий ҳам таълим беришда ўқувчилар ўз фикрини қандай қилиб ифодалашни, баён қилишни ўргатиш учун тил, грамматика, мантиқ, поэтика кабиларни тушунтириш, ўргатиш аҳамиятли саналишини айтиб ўтган эди:

«Қандай қилиб таълим бериш ёки таълим олиш, қандай қилиб ўз фикримизни ифодалаш, баён қилиш, сўраш ва жавоб бериш масаласига келганимизда, мен фанлар ичида энг биринчи фан тил ҳақидаги фандир..., иккинчи фан грамматика..., учинчи фан мантиқ, тўртинчи фан поэтикадир, деб тасдиқлайман».[1]

Ўқувчиларнинг огзаки ва ёзма нутқ малакаларини ўстириш учун уларнинг диққатини, ҳиссиётини, қизиқишларини

---

[1] Ivanov P. I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. –T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti , 2008.2007-б.

[1] Григорьян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. М ,1960.153-154 б.

жонлантириш лозим. Бунинг учун дарсда турли интерфаол усуллар, янги педагогик тёхнологиялар даркор.

Таълим жараёнидаги педагогик технологияда дарснинг модели яратилади. Таълимни технологиялашнинг асосий мақсади давлат таълим стандартлари даражасига етишган шахсни шакллантириш ва уларни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Фанларни ўқитиш назарияси ушбу фанни ўқитишнинг методик тизимини амалга ошириш қонуниятларини аниқлайди, технология эса ушбу тизим моделини амалга ошириш усулларини ишлаб чиқади. Бундай ёндашувда технологиянинг ўрни олдиндан кўзланган мақсадни ташхис қилиш ҳамда уни амалга оширишнинг шарт-шароитлари (шакл, метод, воситалари, ўзаро боғлиқлик)ни аниқлаш, уларни лойиҳалашдан иборат бўлади. Шундай қилиб, технология таълим назарияси ёки методикаси билан ўрин алмашмайди, балки уларнинг асосига қурилади

Педагогик технология ва таълим методикаси тушунчалари ўқитиш жараёни таҳлилининг турли даражаларини ифодалайди. Бу даражалар бир-бирини инкор этмайди, балки уларнинг ривожланиши ўзаро бир-бирини тақозо қилади. Бу эса она тили ўқитиш методикасининг вазифаси билан ҳамоҳанглик касб этади.

Она тили ўқитиш методикасининг вазифаларида кўрсатилишича, ўқувчи ва ўкитувчининг вақтини ҳамда кучини тежаш, ўқувчи фаоллигини ошириш, ўқитишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишнинг энг қулай, энг фойдали метод ва усулларини тавсия этиш (бунда ўқув материалининг ўзига хос лингвистик томонини ҳам, ўқувчиларнинг психологик ва физиологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиб, метод танлаш) назарда тутилади.

Она тили ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиниши доимо назардан четда қолмаслиги керак. Нимани ўргатиш? Қанча ўргатиш? Нима учун ўқитиш? Қандай усуллар билан ўқитиш? Нима учун у ёки бу бўлимни ўрганишда муайян бир методдан фойдаланиш керак? Шундай қилиб, методика ҳам, технология ҳам ўқитувчининг педагогик дунёқарашини ва она тили ўқитишга

муносабатини шакллантиради; ўз касбига ҳурмат билан қарашни тарбиялайди.

Тилни тизимли ўрганишга асосланган она тили ўқитиш методикаси **талабаларни мустакил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, уларнинг луғат бойлигини ошириш, ўзгалар нутқини тинглай ва англай олиш, фикрни аниқ, ихчам ифодалаш, сўз танлаш ва уни ўринли қўллаш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириш, фикр ифодалашда шакл ва мазмун уйғунлигига, мантиқий мукаммалликка эришиш, "талаба – таълим – ўқитувчи" муносабатларини тўғри ташкил этиш – таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга хизмат қилади**[1].

Ўзбек тили ўқитиш методикаси фани эгаллаган билимларни педагогик амалиётга жорий қилиш, замонавий педагогик технологиядан унумли фойдаланишга йўналтирилган. У ижодий тафаккур соҳибини шакллантиришнинг лингводидактик (лисоний-таълимий) асосларини ўрганади.

Ижодий тафаккур соҳибини, яъни ўсаётган, ривожланаётган ва тараққиёт сари юз тутаётган мамлакатимиз учун зарур бўлган, **ижодкор ва мустақил фикрлай оладиган шахс**ни тарбиялаб вояга етказиш она тили таълими олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Методист Г.М.Аҳмедова илғор педагогик тажриба ҳақида фикр билдирар экан, ўқитувчидан биринчи навбатда қуйидагилар талаб қилинишини таъкидлаган эди:

1. Жисмоний ва ақлий саломатлик.
2. Юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлар.
3. Кучли ва кенг қамровли фундаментал билим.
4. Методик мукаммаллик ва сайқалланган касбий маҳорат.
5. Нутқ маданияти, нотиқлик санъати ва имло саводхонлиги.
6. Мустақил ўз устида ишлаш ва малакасини ошириш[1].

Педагогик ижодкорлик манбаи – бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба – муаммоли вазиятларга жуда бойдир.

---

[1] To'xliev B., Shamsieva M., Ziyodova T. O'zbek tili o'qitish metodikasi. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. Toshkent-2006. 4-5-6.

[1] Аҳмедова Г.М. Илғор педагогик ижодкорлик манбаи- бу педагогик тажрибадир// Таълим технологиялари. 2010. № 5.

Илғор педагогик тажриба деганда, биз педагогнинг ўз педагогик вазифасида ижодий ёндашишини, ўқувчи-талабаларнинг таълим тарбиясига янги самарали йўл ва воситаларни кидириб топишини тушунамиз.

Ҳозирда дарсларда моделлаштириш (тренировка), намойиш килиш, кичик гуруҳларда ишлаш, аклий хужум, танкидий тафаккур, дебатлар, нуқтаи назаринг бўлсин, бир-бирига ўргатиш, ролли ўйинлар, муайян холатни ўрганиш, модификацияланган маъруза каби турли инновацион усуллар мавжуд бўлиб, биз ўз ишимизда таълим самарадорлигини оширувчи ана шундай усулларни кандай олиб бориш мумкинлиги ҳакида фикр юритишни максад килиб кўйдик.

Интерфаол усулларни ташкил этишда, айникса, ролли ўйинлар усулидан фойдаланиш кутилган натижани беради. Ушбу ўйинлардан дарснинг барча типларида фойдаланиш мумкин. Бизнинг тажрибамизда касб-ҳунарга йўллаш максадида ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, "Бухгалтер", "Банк ходими", "Иктисодчи" касблари ҳакида баҳс юритилади, улар ўз касбларини ҳимоя киладилар ёки уни спектакль, саҳна кўриниши шаклида ҳам ташкил этиш мумкин.

"Кўлланмалар билан ишлаш" усулида дарслик, кўлланмалар берилиб, мавзу эълон килинади ва ўқувчилар маълум вактда мавзуни мустакил ўрганиб олишади ҳамда жавоб беришади. Бунда "Аклий хужум" усулидагидек индивидуал, диалогик ҳолатда, кичик гуруҳ, жамоа бўлиб ишлашади.

Бу усуллар ёрдамида ўқувчиларни теран фикрли, кенг дунёкарашга эга, интеллект даражаси юкори этиб тарбиялаш имкони яратилади.

Ҳозирда жаҳон андозаларига мос равишда ўкитиш усулларини олиб бориш давр талабидир. Таълим боскичларида она тили ўкитишдан асосий максад нутк ўстиришдан иборат эканлиги барчамизга маълум. Ана шу максаднинг кандай амалга ошиши, аввало, ўкитувчининг ижодий изланишига, самарали методларни топа олиши, ундан унумли фойдаланишига кўп жиҳатдан боғликдир. Шунинг учун ҳам муаллифлар она тили ўкитиш жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутклариниг шунингдек,

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TosHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

тафаккурларини ўстиришда бир канча интефаол усуллардан фойдаланиш кутилган натижа беришини амалда синаб кўрдилар ва уни ўқитувчиларга тақдим этмоқдалар.

Ана шундай методлардан бири **суҳбат методидир**. **Суҳбат** – оғзаки баён қилиш услуби бўлиб, ўқувчиларнинг билимларни аста-секин ўзлаштиришларига олиб келувчи пухта ўйланган саволлар тизимидир. Бу услуб материалларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва янги билимларни баён қилишда қўлланилади.

1. Эвристик суҳбат (эвристика юнонча сўз – heurisko – излайман, топаман, кашф этаман демакдир).

Мақсад – ўқитувчининг моҳирлик билан қўйган саволлари ёрдамида ҳамда талаба(ёки ўқувчи)ларнинг тиришқоқлиги ва мустаҳкам фикрлашлари туфайли уларни янги билимларни жадал ўзлаштиришларини таъминлаш.

Бу суҳбатда ўқитувчининг битта саволига ўқувчиларнинг кўплаб жавобларини кутиш мумкин.

2. Катехизик суҳбат (катехизис юнонча – katechesis-насиҳат, ўгит, бирон-бир таълимот асосларини савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни).

Мақсад – ўқувчиларнинг билимларни тушунгани ва ўзлаштирганини назорат қилишдир. Бу услуб биринчи ўринда хотира ва тафаккурни ривожланишига ёрдам беради. Бу суҳбатда ўқитувчининг битта саволига ўқувчилар битта аниқ тўғри жавоб беришлари керак[1].

Суҳбатнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи моҳирона берилган саволлар билан ўқувчиларни фикрлаш, ўрганилаётган факторнинг маълум мантиқий кетма-кетлигида таҳлил ва тегишли назарий хулоса ва умумлаштиришлар қилишга чорлайди. Кўринадики, суҳбат маълумот берувчи эмас, балки савол-жавоб тарзидаги ўқув иш услуби. Суҳбатнинг асосий мазмуни – ўқувчиларни саволлар ёрдамида фикрлаш, материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўзи учун янги хулосаларни мустақил "кашф қилишга" даъват этиш. Шу боис суҳбат ўтказганда саволлар шундай берилиши керакки, улар оддий тасдиқ ёки инкорни эмас, балки кенг фикрлар, маълум асослаш ва

[1] Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: 2008. "Истеъдод" жамғармаси. 113-б.

киёслашларни талаб этсин, натижада ўқувчилар ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларнинг жиддий белги ва хулосаларини билиб олади. Шу йўл билан янги билимларни эгаллайди."Савол бера олиш ва жавоблар мураккаблиги ва қийинлигини аста-секин ошира бориш педагогик одатларнинг энг асосий ва энг зарурларидан бири[3]" Савол-жавоб ўтказишда қуйидагича интерфаол усуллардан фойдаланиш мумкин.

"Тезкор савол- тезкор жавоб" усули

Бу усул алоҳида олинган бир ёки неча дарс учун аҳамиятли бўлмасдан аксарият дарсларда ишлатилганда, бошқача айтганда, дарснинг атрибути бўлиб қолгандагина ўқувчиларда ҳозиржавоблик, тезкорлик, мушоҳада, ижодийлик ҳосил қилиш мумкин.

"Тезкор савол – тезкор жавоб" усули қуйидагича амалга оширилади: ҳар бир ўқувчига ўқувчилар қатори бўйича ўтилган мавзулар асосида тезлик билан саволлар берилади. Уларнинг жавоби тез бўлиши даркор, яъни топқир бўлишлари ва жавобни икки секунд давомида топишлари керак (жавоб топа олмаган ўқувчи автобусдан тушиб қолиши мумкин-да, чунки "тез юрар" автобус кутиб турмайди). Шундай қилиб, жавобни жуда тез топа олмаганлар тикка қолади, жавоб топганлар эса ўтиради. "Тез юрар" усулидаги саволга жавоб топа олмаганда тикка қолиш, унинг баҳо меъёри ва уни ўқувчи ўзи билиб туриши, билмаган ўқувчи бошқаларнинг жавобларини эътибор билан тинглаши каби ҳолатлар болаларда қизиқиш уйготади. Қолаверса, энг асосийси, ўқувчи ҳар бир жавоби билан ўз билимига ўзи баҳо қўйиб боради.

Ўқувчилардаги қизиқиш натижасида диққат ортади, бу эса ҳис-туйғуга таъсир қилади, эсда қолдириш жараёни ортади.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, "Тезкор савол – тезкор жавоб"усулининг яна бир психологик аҳамияти шундаки, ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимлари янада пухталанади. Маълум мавзу ўтилгач, ўша мавзу атрофида 50-60 та саволга

---

[3] Бу ҳақда қаранг: Калдибекова А .Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари - Т.2006.

жавоб бериш учун уни тўла идрок қилиш керак. Саволлар қисқача бўлиши мумкин:

1. Нима учун синонимлар ишлатилади?
2. Услубий хато қандай хато?
3. Жумла деганда нималарни тушунасиз?
4. "Одобли" сўзининг синонимларини айтинг.
5. Ўзбек тилидаги айрим луғат намуналарни айтинг?
6. Синонимларни нима учун ўрганамиз?
7. Уядошлик деганда нималарни тушунасиз?
8. "Яхши", "тузук", "дуруст", "зўр" синонимларининг доминантасини топинг.
9. Синонимларнинг шакли ва маъно фарқларини айтинг.

Ушбу ўтилган дарс бўйича саволлардан ташқари 30-40 та аввал ўтилган мавзулар бўйича хам саволлар берилади. Янги мавзу ўтилгач, ўша мавзу (ҳар дарсда албатта олдин ўтилган мавзулар) бўйича саволлар аввалги саволларга қўшилган ҳолда берилади. Шу зайлда ҳар дарсда албатта олдин ўтилган мавзуларга ҳам "экспром-экскурс" қилинади. Бу каби такрорлаш хотирада қолдиришнинг пухталигига таъсир қилувчи методлардан саналади.

Агар ўқувчиларга уч марта савол берилса-ю, ўқувчи уч марта тикка қолса, у ўқувчи "ёмон" баҳо олади ёки уч марта тўла жавоб бўлса, "5" баҳо олади. Бу усулни дарснинг уй вазифасини сўраш қисмида, янги мавзу ўтилгач, мустаҳкамлаш босқичларида ёки такрорлаш дарсларида ўтказиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, бу усул натижасида ўқувчи тез ўйлашга – ҳозиржавобликка ўрганади, "автобусдан тушиб қолмаслик учун" ҳар доим изланади. Бир ўқувчининг жавобини бошқалари эшитиб, ўша савол бўйича назарий маълумотлари мустаҳкамланади. Бу усул ўқувчидан ҳам, ўқитувчидан ҳам фаолликни талаб этади. Дарсда фаоллаштириш йўл-йўриқларидан фойдаланиш жаҳон андозалари талабларидан биридир.

"Тезкор савол – тезкор жавоб" усулида ўқувчи билимини ўзи аниқлайди, ўзини ўзи баҳолайди, яъни билими қай даражада эканлигига ташхис қўйилади ва кейинги янги мавзу баёнида шу

ташхис асосида уларга билим берилади. Бу усулни ўтказиш учун ўқувчиларга бериладиган саволлар:
а) тушунарли ва аниқ бўлиши;
б) қиска, аниқ жавоб талаб қилувчи бўлиши;
в) жавоби "ҳа" ёки "йўқ" сўзлари билан келмаслиги;
г) саволлар китоби бўлмасдан амалиётдан олинган бўлиши;
д) янги ёки эски ўтилган мавзулар бўйича тайёрланиши;
е) ўқувчиларнинг мушоҳада асосида жавоб беришларини таъминлаши керак. "Атоқли от деб нимага айтилади?", "Равиш деб нимага айтилади?" каби саволлар дарсликда берилган қоидани сўзма-сўз айтиб беришни талаб қиладиган саволлар бўлиб, нутқ ўстиришга ёрдам бермайди. Чунки ўқувчини мустақил фикр юритишга эмас, қоидани ўқиганда ёки эшитганда эсда олиб қолганини айтиб беришга ундайди.

Масалан, от сўз туркуми бўйича олган билимларини синаш ва мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлар берилади ("тезкор" усулда):
1)"Кўйлак" сўзига эгалик кўшимчаси кўшилганда қандай ўзгариш бўлади?
2) Қараткич келишиги билан тушум келишигининг қандай фарқи бор?
3) -чи, -дош, -кор кўшимчалари қандай кўшимчалар жумласига киради?
4) "Учбурчак", "мингоёқ" сўзлари нима учун кўшиб ёзилади?
5) "Отлар ясалади" деганда нимани тушунасиз?
6) "Тарок", "санок" сўзларининг ўзаги қайси?

Ушбу сўраш **катехизик суҳбат усули** бўлиб, ўқувчининг хотирасини мустаҳкамлашга, улар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади. Савол-жавобдаги нотўғри жавоб ўқувчининг хатосини тузатишга тинглаб ўтирган ўқувчиларни жалб қилади, барча ўқувчиларнинг (суҳбатда) сўрашда фаол иштирок этишини таъминлайди. Бундан ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаш; ўтилганларни кўпроқ такрорлаш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлади, яъни фикрлаш тез ўсади.

Ушбу усулнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилар экан, қуйидаги жиҳатлар она тили дарсининг самарадорлигини таъминлашига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

а) ҳозиржавобликка ўргатилади; б) ҳамма ўқувчи бирдан баҳоланади; в) нутқи ривожланади; г) ўқувчининг тафаккур фаолиятини оширади; д) илмий-назарий билимга эга бўлиб, ўқувчиларнинг билимига ташҳис қўйилади; е) фикрини эркин изоҳлай оладилар. Бундай усуллардан нафақат она тили дарсларида, балки ҳар қандай фан ўқитувчиси фойдаланиши мумкин. "Тез юрар" усулидан "рейтинг" ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин, чунки бунда ўқувчи бир марта тикка қолса, 0,2 % ютқазади.Аксинча, бир марта ўтирса, 0,2% ютади. Уч марта ўтирса, 0,6 % балл йигади.

Маълумки, ўқувчининг эсда олиб қолишининг тезлиги, тўлалиги, аниқлиги ва мустаҳкамлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Эсда қолдиришнинг бу сифатлари эсга тушуришнинг тезлиги, тўлалиги ва аниқлигига, шунингдек, нечоғли тез ёки секин унитилишига қараб аниқланади. Тез, тўла ва аниқ эсга тушириш ва тезда унутиб қўймаслик эсда қолдиришнинг энг яхши сифатларидандир.

Хотиранинг сифатини белгиловчи шартларни билиш педагогика учун амалий аҳамиятга эга, чунки бу шартларни билганда, энг мустаҳкам ва энг тез эсда қолдиришга эришмоқ учун нималар қилиш ва нималарни ҳисобга олиш керак экани маълум бўлади. Эсда қолдиришнинг сифатлари – унинг тезлиги, тўлалиги, аниқлиги ва пухталиги, биринчидан, эсда қолдириш хилларига, иккинчидан, эсда олиб қолинаётган материалга кишининг (шахснинг) муносабатига ва, учинчидан, эсда қолдириш учун қўлланилган махсус методик усул ва приёмларга боғлиқ бўлар экан.[1] Демак, ўқитувчи синф ўқувчиларининг қобилиятига қараб, биз тавсия этган усулларни қўллаши ва ундан унумли фойдаланишлари зарур бўлади.

[1] Ivanov P. I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. – T : O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti , 2008.129-б.

Кичик гуруҳларда ишлаш

Бу усулда ҳар бир ўқувчи дарсда фаол иштирокчи, бошловчи, бир-биридан ўрганувчи, турли нуқтаи назарларини қадрлашни ўрганади. Қўллаш усули:

1. Фаолият йўналиши аниқланади, муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Керакли асос яратилади, ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим.
3. Гуруҳлар белгиланади.
4. Аниқ кўрсатма берилади.
5. Қўллаб-қувватлаб йўналтириб турилади.
6. Муҳокама қилинади.

Интерфаол усуллардан бўлмиш кичик гуруҳларда ишлашни амалиётга татбиқ этиш учун ўқувчида интилиш ҳамда ҳиссиётларини уйғотишимиз зарур бўлади. Психологлар таъкидлашича, интилишлар ҳамиша эҳтиёжни ифодалайди. Ҳиссиётлар интилишларни туғдиради ёки мавжуд интилишларни кучайтиради, шунинг учун эҳтиёжларнинг ўзи ҳам фаол кечинмалар бўлиб қолади. Ҳиссиётнинг йўналиши, фаоллиги интилишларда намоён бўлади. Демак, замонавий интерфаол усулларни амалга оширишда гуруҳларда, кичик гуруҳларда ишлаш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ўқувчи фаоллигини оширади.

Гуруҳларни ташкил этишда Қ.Ҳусанбоева қуйидагиларни назарда тутиш лозимлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас:

1. Ўқувчиларнинг шу ишни бажаришлари учун билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш;
2. Гуруҳларга аниқ йўл кўрсатиш;
3. Вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш;
4. Ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гуруҳ бандлигини таъминлаш;
5. Қўйиладиган масала мураккаб бўлганда гуруҳларни камайтириб, гуруҳ аъзоларини сонини кўпайтириш;
6. Баҳолаш ва мукофотлаш гуруҳ аъзоларининг фаоллигига таъсир этишини кўзда тутиш.
7. Кучли гуруҳларни мукофотлаш;

8. Бажарилган иш натижасини баҳолаш ва баҳоларни эълон қилиш;
9. Жамоанинг эркинлигига имконият яратиш[2]

Мана шундай қилинганда гуруҳларда ишлаш яхши натижа беради.

Тажрибадан келиб чиқиб, муаллифлар гуруҳларда ишлашнинг қуйидаги усулларини тавсия этади.

"Сўз ясовчи қўшимчалар" мавзусини ўрганишда интерфаол усуллар

Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари асосидаги она тилидан янги дастур ва дарсликларнинг концептуал асосларида «таълим олувчиларда мустақил ижодий тафаккур қобилиятни ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон баён қилиш кўникмаларини шакллантириш»[1] марказий ўринни эгаллайди. Бу айниқса, лексикология ҳамда сўз таркибини ўрганишда сўз маъноларини фарқлаш, қиёслаш, маъноларарo умумийликларни аниқлаш каби қатор билиш операциялари асосида ҳам амалга оширилади. Бу жараёнда ўқитувчининг ижодкорлиги ва ташаббускорлиги асосида ташкил этилган интерфаол усуллар энг мақбул усуллардан биридир. Сўзларнинг маъно нозикликларини фарқлаш, улардан нутқда фойданишни қуйидаги мисол асосида кўриб чиқайлик.

Синф гуруҳларга ажратилиб, мусобақа тарзида олиб борилади. Улар бешта шарт асосида баҳслашадилар. Яъни топқирлар беллашуви "5 х 5 = 25" деб аталади. Кластер усулидан фойдаланилади.

1-шарт: Бу шартда магнитли ёзув тахтасида сўзлар асоси ёпиштирилган бўлади, ўқувчилар стол устидаги юмалоқ шаклдаги магнит доираларда берилган қўшимчалардан мосини танлаб, ёзув тахтасида асосдош сўзлар ҳосил қилади:

---

[2] Ҳусанбоева Қ. Таълимнинг замонавий технологиялари ва мустақил фикрлаш.// "Тил ва адабиёт таълими" журнали. 2003. № 3.7-8-б.

[1] Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Қодиров М., Абдураимова М.. 5-синф учун дарслик. Т.: Ўқитувчи, 2001.





2-шарт. Бу шартда гуруҳларга қуйидагича топшириқ берилади. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг ва улар орасидаги маъно фарқларини тушунтиринг.

1-гуруҳ. 2-гуруҳ.

Тил……. Олма ……
…… илм . ….. номус
Латофат …… Баҳо ……
…… шох …… тук
Умид ……... Ихтиро . . . . . .
. . . . . Нишон Ҳосил . . . . . .
Орият ……... ……... тўғри
Сиҳат……... Мактаб ……...

(-шунос, бе, -ли, сер, сиз, бе, ли, гоҳ) (зор, бе, ла, -сер, -чи, -дор, -но, -дош)

3-шарт. 1-гуруҳ от ясовчи қўшимчалар, 2-гуруҳ сифат ясовчи қўшимчаларни ёзадилар ва ушбу қўшимчали сўзлардан мисоллар ёзиш вазифаси ҳам топширилади.

1-гуруҳ 2-гуруҳ
- *к* – курак - *ли* - кучли
- *нома* - таклифнома - *дор* - айбдор
- *истон* - Ўзбекистон - *сер* - серҳосил
- *қоқ* - Ботқоқ - *чан* - ишчан
- *из* - бўгиз - *он* - чарогон
- *гар* - жавобгар - *ка* - йўлка

4-шарт. Бу шарт адабиёт дарсига боғланади. Чунки шеърий сатрлар инсон калбига оддий сўздан кўра кучлироқ таъсир этади. Шу сабаб гуруҳларга шеърий машқ берилади. Бунда нуқталар ўрнига тушиб колган сўз ясовчи қўшимчаларни топиб қўядилар ва шеърни ифодали ўқийдилар. Ушбу усулни бажариш давомида фанлараро интеграция ҳам амалга ошади.

1-гуруҳ.

Сабоқ олар ўки . . . . .
Тил . . . . . дарсида. . . . .
Изланув . . . . . , тириш . . . . .
Илм . . . . . баҳсида.

Бил . . . . . , бил . . . . . у
Ажралар онгу сўлга
. . . . . фикр, ... мазмун
Олингиз, қалам кўлга.

Асос . . . . . сўзни топинг
. . . . . бон, ... ли ва . . . . . сиз
Марра томон сиз чоппинг,
. . . . . ла, ... ли ва . . . . . сиз.

Она тили мураккаб,
. . . . . писанд етманг уни,
Шеър . . . . . жумбоқни топиб
Еч . . . . . ин топинг буни.

(-в, -чи, -шунос, -чан, -қоқ, -ли, -им, -сиз, -сер, -дош, -бог, -дог, бе, -ий, -им)

2-гуруҳ.

Ўқу . . . . . , бўл тириш . . . . .
Ҳаракат . . . . . ғайрат

Меҳнат . . . . . бўлсанг дўстим
Бил . . . . . оласан қат-қат.

Тарбия . . . . . сўз айтай,
Қулоқ илгин насиҳат.
. . . . . губор, халқ . . . . . -у
Бўлгин иш. . . . . , ... қувват.

Бўлма ҳеч ҳам айб . . . . .,
Исён . . . . . –у зулм . . . . .
Хушфеъл бўлсанг, жаннат . . . . .
Фаровон . . . . . сенга ёр.

Илмсиз . . . . . , илм ол,
Китоб – бил . . . . . гу . . . . .
Гул . . . . . т, яшнат оғил – қиз,
Юртингди Ўзбек . . . . . .

(-в, -чи, -қоқ, -чан, -сер, -каш, -им, -вий, бе, -парвар, -ба, -дор, -кор, -у, -лик, -ла,- им, -истон)

5-шарт. Бу шартда иккала гуруҳга мавзу юзасидан ребус кўрсатилади. Ребусга қараб, асосдош сўзлар ҳосил қиладилар.

1-гуруҳ.

1. Иш-ишчи, ишчан, ишли, ишсиз, ишла.
2. Бил-билим, билимдон, билимдонлик; ўки-ўқув, ўқиш.

2-гуруҳ.





1. Пахта-пахтакор, пахтали, пахтасиз.
2. Маза-мазали, мазасиз, бемаза.

Гуруҳларга ҳар бир шарт бажарилгандан сўнг, рағбат карточкалари бериб борилади. Мусобака сўнгида баллар умумлаштирилади. Агар баллар 5 х 5 = 25 бўлса, жами "25" балл тўпласа, мутлоқ ғолибликни қўлга киритади.

Кичик гуруҳларда ишлашда қуйидагилар назарда тутилмоғи лозим. Ҳар бир гуруҳда ўқувчи сони 30 нафар бўлса, 15 нафар "5", "4,5" баллга эга ўқувчилар, 15 нафар "4", "3" балларга эга ўқувчиларга боғланади ва улар бир партага ўтказилади. Бу билан иқтидорли ўқувчилар паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга бириктирилади. 15 та гуруҳ дарс давомида фаолият юритади. Гуруҳлар ўқувчилар танлаган ном билан номланади. Уларга мана бундай топшириқлар берилиши мумкин.

Масалан: "Ёрдамчи сўзлар" мавзусини мустаҳкамлашда қуйидагича топшириқларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

1-топшириқ. "Уйини топинг"

Ўқувчиларга юмалоқ шаклда қирқилган қоғоз берилади. Ҳар бир юмалоқ шаклда ёрдамчи сўзлар; кўмакчи, боғловчи, юкламалар ёзилган. Ўқувчилар ўз партадоши билан партасининг устига ёрдамчи сўзларни ўз жойини топиб терадилар.

Кўмакчи	Боғловчи	Юклама
bilan	*lekin*	*-a*
uchun	*va*	*faqat*
sari	*ammo*	*-ehi*

2-топшириқ. "Қаср қуринг"

Ҳар бир гуруҳга юмалоқ ва тўртбурчак шаклдаги қоғоз парчалари берилади ҳамда уларга алоҳида-алоҳида мавзулар берилади. Масалан: "Она", "Ватан", "Фахр" каби. Ўқувчилар ўзларига берилган қоғозларга мавзу бўйича ёрдамчи сўзлардан фойдаланиб гаплар тузадилар. Бунда ким кўп ва услубий жиҳатдан ғализ бўлмаган гап туза олиши назарда тутилади.

Масалан:



Бу топшириқ ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширишда, сўз бойлигини оширишда ёрдам беради.

3-топшириқ. "Шарифимни топинг"

Кўмакчиларнинг исми аниқ, уларнинг шарифини топиш лозим. Масалан: кўмакчи ёзилган варақ ўқувчиларга берилади.

Ўқувчилар кўмакчиларни соф ва вазифадош эканлигини топиб, ёнига ёзадилар.

билан - кўра –	
сари -	бўйлаб –
кейин -	каби –
тепада -	томон –
учун -	туфайли –

4-топшириқ. "Чархпалак"

Бу топшириқда ўқувчилар қўлидаги юмалоқ шаклдаги қоғоз парчаларига ўзларига берилган кўмакчи, боғловчи, юклама мавзуларидан бирига ўша мавзуга кирувчи сўзларни ёзиб, ёзув тахтасида ўзига хос чархпалак ҳосил қиладилар. Қоғозларга рангли пламастерда ёзилиб, скоч билан ёзув тахтасига ёпиштирилади.



Бундай оддий қоғоз парчалари билан ишлаш ҳар бир ўқувчида катта қизиқиш уйготади. Партадошининг фикрдош бўлиши дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, билим олишга бўлган иштиёқини ошириб боради. Бу усуллардан ҳар бир дарсда фойдаланиш мумкин. Чунки ушбу усул дарсда барча ўқувчини ишлашга ва уларни муносиб баҳолашга имкон беради.

Чорак давомида бириктирилган ўқувчилар бирга ишласа ва изланса, таълим жараёнида ўсиш бирмунча юксалади.

Топшириқлар бажарилгач, ўқувчиларга Кеча…? Бугун…? Эртага…? саволлари билан мурожаат этилади.

1. Кеча – ёрдамчи сўзлар мавзуси юзасидан нималарни билиб олдингиз?

2. Бугун – нималарни ўргандингиз?

3. Эртага – нимани ўрганмоқчисиз?

Ўқувчилар билан бу мавзудаги суҳбат кейинги дарсга замин яратиб беради.

Такрорлаш дарсларини ташкил этишда интерфаол усуллар

Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг педагогик қўллаб-қувватлаш, қобилият ва иктидорларини рўёбга чиқариш, муайян шароитга мослашувчанлигини қарор топтиришга йўналтирилган махсус ўқув фаолиятида ўқувчининг ижодийлигини таъминлаш муҳимдир. Биз ўқувчини ижодий ривожлантириш деганда, ўқувчининг ўзига хослигини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланишига бошқа янгича бир ўқув усуллари таъсир қилишини кўзда тутамиз. Агар ўқувчида таълим бериш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш муаммоси уйғунлаштирилса, унинг ўзига хослигини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, айниқса, дарсни мустаҳкамлаш босқичларидан унумли фойдаланишимиз фойдадан холи эмас.

Дидактик ва психологик талабларни ҳисобга олган ҳолда муайян ўқув предмети доирасида махсус ташкил этилган индивидуал ҳамда алоҳида гуруҳларда, жамоа бўлиб олиб бориладиган ишлар орқали топшириқларнинг ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилган тизими ҳар бир мавзунинг ўзлаштириши муайян педагогик маҳоратни талаб қилади. Ўқувчилар мустақил

бажарадиган топшириқларни кичик гуруҳда ўзаро ёрдам, ҳамфикрлилик асосида жамоа бўлиб осон ва сифатли бажаришлари мумкин. Савол ва топшириқларнинг табақалашганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда бир мавзу бўйича белгилаб бериладиган топшириқлар, уларнинг сифати, ҳар бир ўқувчининг ўзлигини намоён қилишга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, бундай топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчи ўзининг ривожланишини ва билим сифатининг даражаси ва индивидуал хатти-ҳаракатларини ҳам белгилаб олади. Ўқувчи шахсининг ўзига хос ривожланиш жараёни, айниқса, мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарсларида намоён бўлади.

Ўқитувчиларнинг ижодкор, изланувчан бўлиши ҳозирги даврнинг талабидир. Ўқитишнинг дидактик методлари соҳасида тўпланган барча бойликларни эгаллаш ва уларни ҳар доим янгилаб бориш ўқитувчилар олдига масъулиятли таълим бериши вазифасини юклайди.

Она тили таълими жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш, дарснинг маълум қисми (этап)ларини ана шундай тарзда ўтиш масалалари дарсда муаммоли вазият, мунозарали фикрлар келтириб чиқариш, мунозара дарс, мусобақа-дарс, тренинг дарсларини ташкил қилиш шакллардан фойдаланиш таълимни такомиллаштириш, ўқувчилар билимининг самарадорлигини ошириш омилларидан ҳисобланади. Она тилидан маълум мавзу ёки бўлим тугагандан сўнг қуйидагича мустаҳкамлаш ёки такрорлаш дарсларини ташкил қилиш мумкин.

Ушбу ўйинда олтита иштирокчи қатнашади. Қатнашчиларни саволлар бериш йўли билан ёки бошқа йўллар билан аниқлаб олиш мумкин. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Бу йил қайси (ёки машҳур кишиларнинг) шоир ёки адибнинг 100 йиллик юбилейи нишонланади?
2. Муомала воситасининг энг кичик бирлиги нима?
3. Сўз бойлигини оширишда муҳим бўлган тилшунослик бўлими?
4. Асос нима?
5. Соф кўмакчилар қайсилар?

7. Ким? ёки нима? сўзлари муносабатига кўра отлар қайси турларга бўлинади?

Иштирокчилар аниқлаб бўлингач, улар иккитадан бўлиб, ўйинни уч турда ташкил этиш мумкин. Шундан сўнг биринчи тур бошланади.

1-тур: Ўйлаб топ!!!

Ушбу турда ўйин иштирокчиларига синфдаги ўқувчилар томонидан топишмоқ тарзидаги саволлар берилади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Мен таърифлаётган қўшимча шундай қўшимчаки, у асосдан англанишилган нарса кўп бўладиган жой номини билдирувчи отлар ясайди.

(-зор қўшимчаси)

2. Ушбу сўз туркуми айрим сўз ёки гапларга қўшимча маъно бериш учун ишлатилади. Улар тузилишига кўра икки тур, маъносига кўра беш турли бўлади.

(юклама)

3. Бундай сўзлар тилимизда икки асосий ҳодиса натижасида ҳосил бўлади:

1) тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши натижасида;

2) тилдаги сўзларнинг янги маъно касб этиши натижасида.

(синонимлар)

4 Бу ҳодисанинг 3 хил белгиси бор:

1) шакл жиҳатдан ҳар хиллик;

2) маъно жиҳатдан ҳар хиллик;

3) маънодаги ўзаро зидлик.

(антонимлар)

5. Бу майл иш-ҳаракатни унинг бажарилиш вақти билан боглиқ равишда ифодалайди. Бу майлнинг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ. У феълга замон ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

(ижро майли)

Ўйин бўлишидан аввал ўқувчиларга ўйин шартлари тушунтириб қўйилади, шунга кўра ўқувчилар топишмоқ тарздаги саволлар тузиб келишади. Савол ўқиб бўлиниши билан жавобни биринчи бўлиб топган гуруҳ жавоб бераверади, энг кам жавоб топган гуруҳ 2-турда иштирок этмайди.

2-тур:

Бу турда ўқитувчи ўйинда қолган икки гуруҳга саволлар беради. Ўйин иштирокчилари эса саволга жавобни олдиндан тайёрланган қоғозга ёзиб, савол тугаши билан бирданига кўрсатилади, жавобнинг тўғри-нотўғрилиги ўқувчилардан сўралади. Саволлар 3тагача берилади. Қайси гуруҳ саволларга кам жавоб (мисол айтса ҳам бўлади) берса, 3-турда иштирок этмайди. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ҳозирда мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган номи...

(арханзмлар)

1. Қизикишлари, ёшлари, машғулотлари бир хил бўлган жуда тор доирага мансуб кишилар қўллайдиган, маъноси шу кишиларгагина тушунарли бўлган сўзлар...

(жаргонлар)

2. Сўз ясашнинг бу турида тилда бор бўлган сўзнинг маъноси ўзгариши натижасида янги сўз ҳосил бўлади.

(семантик усул)

3. Асосдан англашилган нарсани етиштирадиган соҳани ифодаловчи от.

(уругчилик, узумчилик).

4. Асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлик ҳолатини билдирувчи от.

(пишиқчилик, мўлчилик).

5. Асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ бўлган ишни билдирувчи от. (улфатчилик, тирикчилик).

Саволларга ёзилган жавоблар тенг кўтарилиши керак. Жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ўқувчилар ҳал қилишлари керак. Ўқувчилар ҳал қила олмаган тақдирдагина ўқувчи ўз фикрини айтади.

3-тур: юқоридаги турлар натижасига кўра якунида биргина гуруҳ, яъни икки иштирокчи қолади. Бу иштирокчилар бир-бирига "рақиб" бўлиб қолади. Уларга бештадан тезкор саволлар берилади, жавоб бериши учун бир дақиқадан вакт ажратилади. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1) Олмошларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан турлари нечта?

2) Нима учун синонимлар ишлатилади?

3) Синонимлик қатор нима?

4) Синоним сўзлар қандай сўзлар?

5) Учбурчак, мингоёқ сўзлари нима учун қўшиб ёзилади ?...

Саволларга аниқ, кўп жавоб берган ўқувчи ўйиннинг мутлоқ ғолиби деб топилади ва ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

Ўйиннинг илмий аҳамияти: ўйин иштрокчиларига деярли барча саволлар фан юзасидан берилади. Бу билан уларнинг олган билимлари мустаҳкамланади, билмаганларини билганлардан ўрганишади.

Ўйиннинг методик аҳамияти: ўйинда деярли барча ўқувчилар иштирок этади, икки киши бир гуруҳ таркибида ўйнаганда, улар бир-бири билан маслакдош, дўст бўлиб қолишади.

Ўйиннинг педагогик аҳамияти: ўйин ўқитувчи учун ҳам қулайликлар туғдиради. Ўқитувчи ўйинни барча дарслар доирасида ўтказиши мумкин.

4- тур. "Гапни тўлғазиш" ўйини

Ўйин қуйидагича тартибда ўтказилади: ўқитувчи доскага (икки гуруҳдан) икки ўқувчини чиқаради. Ҳар иккисига биттадан сўзни беради. Ўқувчилар бу сўзлар ёнига сўзлар қўшадилар 1-қўшилган сўзга 1 балл, 2-қўшилган сўзга 2 балл, 3-қўшилган сўзга 3 балл ва ҳаказо баҳо қўйилади. Гап тўлиб, ҳеч ким бошқа сўз қўша олмай қолганда, ўйин тугайди. Масалан, ўқитувчи синф доскасига (1-гурухга) "Ота-оналар", (2-гуруҳга) "Серфарзанд" деган сўзни ёзади. 1-ўқувчи "сотиб олдилар" сўзини қўшиб, 1 балл олади. 2-ўқувчи "болаларига" деган сўзни қўшиб, 2 балл олади, 3-ўқувчи "ёзув столи" деган сўзни қўшиб 3 балл тўплайди. 4-ўқувчи "фирмадан" сўзини қўшиб 4 балл, 5-ўқувчи "арзонга" деган сўзни қўшиб, 5 балл , 6-ўқувчи "нархда" сўзини қўшиб, 6 баллни қўлга киритади.

Шундай қилиб, *"Ота-оналар болаларига арзон нархда фирмадан ёзув столи сотиб оладилар"* деган гап ҳосил бўлади.

Шу тариқа янги-янги сўзлар таклиф қилинаверади, гап мазмунан бойитилаверади. Энг кўп балл тўплаган ўқувчи ғолиб деб топилади.

Ўйиннинг илмий аҳамияти: ўйин ўқувчиларда қўшимчаларни тўғри қўллаш, услубиятни чуқур билиш, сўз қўллашда хатоликка йўл қўймаслик каби ҳусусиятларни шакллантиради.

Ўйиннинг методик аҳамияти: ўйинда деярли барча иштирок этиши мумкин. Ҳамма ўз ўзини айтмаса-да, лекин ўзи мустақил равишда бажариши мумкин.

Ўйиннинг педагогик аҳамияти: барча ўқувчилар диққати жалб қилинади. Ўқувчилар мустақил фикрлашга ўргатилади, уларнинг нутқи ривожланади.

«Қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар» мавзуси устида ишлаш

Президентимиз И.А.Каримов ҳар гал ёшлар, уларнинг келажаги ҳақида сўзлар экан, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратади. Чунки Президентимиз сўзи билан айтганда, "Ёшларимиз – халқимизнинг ишончи ва таянчи".

Ёшларни юксак маънавиятли, кенг дунёқарашга эга, теран фикрларга бой қилиб тарбиялашда муаллимларнинг ўрни беқиёс.

Касб-ҳунар коллежлари, академик лицей талабалари билан ишлашда янги инновацион усуллардан фойдаланиш, назарий билимни амалиёт билан боғлашга ўргатиш, фикрни теран, билимни мустаҳкам бўлишига омил бўлади.

"Қўшма гаплар" мавзуси ўқувчиларга тушунтирилар экан, бевосита қўшма гап қисмларини боғловчи грамматик воситаларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 3-курс талабалари учун "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслигининг 32-дарси "Қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар" мавзуси билан берилган бўлиб, мавзунинг 2-топшириғида қуйидагича шарт берилган. *Берилган гаплардаги нуқталар ўрнига ва, гўё, шунинг учун боғловчиларини қўйинг. Боғловчиларнинг ўзгариши қандай қўшма гаплар ҳосил қилаётганини айтинг.*

Баҳор келди . . . ясанди дунё.

1. Баҳор келди ва ясанди дунё. (боғланган қўшма гап)
2. Баҳор келди, гўё ясанди дунё. (эргаш гапли қўшма гап)

3. Баҳор келди, шунинг учун ясанди дунё (эргаш гапли қўшма гап)

Ўқувчиларга яна қуйидагича гаплар берилиб, алмаштирилган сўзларни ўрнига қўйишлари лозимлиги талаб этилади.

Лобар яшира кулиб севинчини келди . . . олмади. Орага жимлик шундай чўкди . . . юраги аниқ бошлади гупиллаб эшитила ураётгани. *(Ў. Ҳошимов)*. Қадрдонлардек иккови ҳам мен билан сўрашди, . . . суҳбатлашиш кўнгилдаги ғамни у билан қувади. *(Шарқ ҳикматларидан)*

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳам ўқитиш жараёнини дидактик асосларини яратар экан, ўқувчиларга берилаётган машқлар уларнинг ёшига мос бўлиши кераклиги, ўқувчи майл ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шу сабабли 184-машқни бажаришда қийналаётган ўқувчиларга қуйидаги сўзларни илова қилиш мумкин, шунингдек, берилган феъллардан боғланган қўшма гап ҳосил қилишлари лозимлиги вазифа қилиб топширилиши мақсадга мувофиқдир.

Келди, очилди. Йиқилди, йиғламади. Дакки эшитди, ҳижолат чекмади. Югурди, етолмади. Ҳаракат қилди, зое кетди. Кўтарилди, нур сочди. Муҳокама қилинди, қарор чиқарилди.

Мавзуни ўрганишда яна қуйидагича топшириқ бериш ўқувчи фикрлаш қобилиятини ва маънавиятини оширишга ёрдам беради.

Қуйидаги сўзлардан эргаш гапли
қўшма гап ҳосил қилинг

• Илмсиз иликсиз суяк каби бўлишдир, • Билим билан кишининг мартабаси ошади, • Халқнинг етуги сахий кишидир, • Саховатсиз киши мевасиз дарахтдир,	чунки шунинг учун	• Илмсизлик кишини тубанлаштиради. • сахийлик кишига шараф келтиради.. • иликсиз суякка қўл урилмайди. • тўғри сўз – ла

• Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир,		тилингни беза. • мевасиз дарахтни кесиб ёндиргин.

Аммо, лекин, бирок боғловчиларидан мосини қўйиб, гапнинг давомини топинг.

Мамлакатимизда байрамлар кўп....
У турмушидан, ўтган умридан рози...
дунёда касблар кўп.....
Наврўзнинг таровати, шукуҳи ўзгача.....
ана шу розилигини тушунтириб беролмас эди.
Одамийлик касби ҳаммасидан улуғдир....
янада кўпайди
Бўрондан сўнг Олимжон фермер хўжалигида
ишлар озаймади ..

Тизимли ўқитиш мақсадида ўқувчи-талабаларнинг ўрта умумий таълимда олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади. Шу сабаб ўқувчилар билан бирга аввалда ўтилган (мавзуга оид) билимлар эсга туширилади, қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларни ажратиб ёзишлари талаб қилинади.

1. Боғланган қўшма гапни боғловчи воситалар:

Ва, -у (ю), -да, аммо, лекин, бирок, ё . . . ё, гоҳ . . . гоҳ . . . , баъзан . . . баъзан . . . , дам . . . дам; ё; ёки, бўлса, еса . . .

2. Эргашган қўшма гапни боғловчи воситалар:

Чунки, негаки, токи, агарда, агар, башарти, тобора, гўё, гўёки, худди, шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, деб сўзи орқали, -ки юкламаси, нисбий сўзлар (ким-ўша, нима-шу, қаер-шу ер) . . .

3. Боғловчисиз қўшма гап – оҳанг билан боғланади. Қўшма гап қисмлари тиниш белгилар билан ажратилади.

"Кўчирма гапли қўшма гап" мавзуси тушунтирилгач, "Зигзаг"-усулини ўтказилади, ўқувчилар 2 гуруҳга ажратилади ва ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ берилади.

Топшириқ.

1-гуруҳга

Қуйидаги қолипларга гап тузинг.

1. М: “К” М: “К?” М: “К!”
2. М: “К”, М; М: “К?”-М; М: “К!”-М.

2-гуруҳга

1. “К,”-М; “К?”-М “К!”-М
2. “К,-М-К”.

Ўқувчилар топшириқни бажаргач, гуруҳлар бир-бирлари билан ёзганларини алмашадилар ва ўз фикрларини ёзадилар, сўнгра ҳар бир гуруҳ ёзганларини ҳимоя этади. Бу усулдан машқ бажаришда ҳам фойдаланилса, кутилган натижа амалга ошади.

1- гуруҳ ***кўчирма гап*** ёзади, 2- гуруҳ ***ўзлаштирма гап*** ёзади.

Масалан:

1-гуруҳ

Амаким бизга уқтирди: “Бир-бирингиз билан аҳил бўлинглар!”

2-гуруҳ

Амаким бизга аҳил бўлишимизни уқтирди.

2 - гуруҳ

О.Ҳожиева халқни оғир синовлар, машаққатлар, улуғ ўзгаришлар жипслаштиришини, унинг куч-қудратини имтиҳон қилишини ёзади.

1-гуруҳ

О.Ҳожиева шундай ёзади: “Халқни оғир синовлар, улуғ ўзгаришлар жипслаштиради, унинг куч-қудратини имтиҳон қилади”.

Она тили дарсларидаги изчиллик, ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиради, нутқ маданиятини ўстиради, сўз бойлигини оширади. Шу сабабли ҳар бир она тили дарслари, мавзулар учун берилган машқлар, машқлардаги ибратли сўзлар устида ишлаш ўқувчиларни тўғри фикрлашга ундайди, уларнинг интеллект даражаси юқори бўлишига эришилади. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам беради.

Фикримизнинг исботи сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ёрдамчи сўзлар мавзусини мустаҳкамлаш

“Ёрдамчи сўзлар” мавзусини мустаҳкамлашда турли интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширади. Саволнинг ўзи жумбоқ тарзида берилади. Мана бундай чизма кўрсатилади:

Ўқувчилар саволни ўйлаб топадилар. Сўроқ белгиси ичидакатакчалар бўлиб, унда боғловчи сўзи бўлади. Демак савол: **Богловчи сўз туркумини исботловчи далилларни келтиринг.** Унинг тури: **4.** Тенг боғловчи; **3.** Эргаштирувчи боғловчи.

Бундай топшириқлар ўқувчини зийрак бўлишга, уларни атрофлича фикрлашга ундайди. Фикрлаш, топиш қобилиятини орттиради.

Мавзуларни ўрганишда яна мана бундай муаммоли саволлардан фойдаланиш мумкин.



Адабиёт дарсларидаги “Баҳру байт” мусобақасини она тили дарсида ташкил этиш ўқувчиларга завқ беради. Бунда ўқувчилар ёрдамчи сўзлар вазифасида келувчи сўзлардан фойдаланадилар.

1. – Уст, томон, на . . . на, аммо, олдин, нақ, караб, бошлаб, бошқа, ахир, рўпара, аввал, -ла, агарда, -а, асосан, негаки, илгари, ичра, агар . . . ва ҳ.к.

Бу мустаҳкамлашда ўқувчи изланади ва топиб айтилган ёрдамчи сўзлар, вазифадош ёрдамчилар хотирага муҳрланиб қолади.

Шеър-ажойиб бир ҳислар ифодаси.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай инсон кўнглига шеър ўз нурлари билан етиб боради. Мавзулар ўқувчиларга эртак усулида, шеърий ифода шаклида берилса, уларнинг хотирасида муҳрланиб қолади. Шеърий тарздаги ифода ёд айтилаверса, хотирада мустаҳкамланади. Фикримизнинг исботи сифатида “Боғловчи” мавзусига оид қуйидаги шеърни ҳавола этиш мумкин:

Мен боғловчи оқсоқол,
Уйим “Ёрдамчи сўзлар”.
Истасанг биз билан қол.
Кўп бунда қора кўзлар.

Таништирай уларни,
Ўғлимдир тенг боғловчи.
Қизимдир хўп уларни,
Эргаштириб боғловчи.

Невара ана шунча,
Қай бирин айтаман.
Феъллари ўзга-ўзга,
Мен бошқариб тураман.

Тенг боғловчи ўғлимнинг
Тўртта фарзанди бордир.
Фарзанддан набиралар
Ҳамиша унга ёрдир.

ҳамма ўқувчи ўз имконияти даражасида изланади. Топшириқни гуруҳда биринчи бўлиб бажариш иштиёқи ошади.

Масалан: Маҳмуд Қошғарий "Девону луғатит турк" асаридан қуйидагича топшириқ берилади.

1-топшириқ.

1. Берилган шеърий сатр ва мақолларда ишлатилган ёрдамчи сўзларни топинг.

1-1. Тумлуғ келиб қапсади,

Қутлуғ яйиғ тапсади,

Қарлаб ажун япсади,

Ет йин ушуб умрамур.

Қарлаб ажун япсади – Дунёни қор билан ёпмоқ истади.

1-2. Ямғур яғиб сачилди

Турлук чечак сучулди.

Йинжи қаби ачилди

Чиндан йиллар йўғрулур.

Бунда: – Ёмғирнинг ёғиши билан инжу қоплари очилган каби бўлди.

1-3. Ермагука булут йук бўлур

Мазмуни: "Ялқовга булут ҳам юк бўлар"

1-4. "Қуш қанотин, эр атин"

Мазмуни: Қуш қаноти билан, эр оти билан.

Халқ оғзаки ижодидаги мақолларни ўргатиш натижасида ўқувчиларга ҳам таълимий, ҳам тарбиявий, ҳам ривожлантирувчи мақсад амалга ошади.

2-топшириқ. Халқ мақолларида қўлланган ёрдамчи сўзларни топинг.

2-2. Ёмон билан ёндош бўлма

Нодон билан сирдош.

2-3. Ёмон билан талашсанг қадринг кетар.

2-4. Илон ўлса ҳам, заҳри тилида қолар.

2-5. Ваҳм туби – денгиз

Ботасан-да кетасан

Таваккал туби – ел қайиқ

Ўтасан – да кетасан.

3-топшириқ.

Адабиёт фанидан ўтилган мавзулардаги бадиий асарлардан берилади.

3-1. У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқади.

(Ў. Ҳошимов)

3-2.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,

Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.

(А.Орипов)

3-3. На кампирнинг, на Қоратойнинг юпатишлари кор қилди.

(Ойбек)

3-4. Орқадан чуқур сой оқади.

(Шуҳрат)

3-5. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир!

(Низомий)

Ўқувчилар топшириқни қуйидагича жадвални тўлдириш билан бажарадилар.

Топшириқ коди	***Кўмакчи***	***Боғловчи***	***Юклама***	***Тўғри ёки нотўғри эканлиги тўғрисида белги***
1-1	+	-	-	
1-2	+	-	-	
1-3	-	+	+	
1-4	+	-	-	
1-5	+	-	-	
2-1	+	-	-	
2-2	+	-	-	
2-3	-	-	-	
2-4	-	-	+	
2-5	-	-	+	
3-1	-	-	-	
3-2	-	-	+	

3-3	-	+	+	
3-4	-	+	-	
3-5	-	-	-	

Бундай топшириқларнинг берилиши ўқувчини ўз устида ишлашга, фикрлаш қобилиятини оширишга, билим савиясини юксалтиришга ёрдам беради.

Дарс давомида ишлатилган ибратли сўз ва мақоллар ўқувчилар билан шарҳланади.

Фанлараро алоқадорлик

Бизнингча, тил таълимида фанлараро боғланиш (интеграция) тамойилини ижобий ҳал этиш учун дастур ҳамда дарсликларда берилган материалларнинг амалдаги тизимини алоҳида ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларини адабиёт, миллий истиқлол ғояси, одобнома, шунингдек, расм, чизмачилик фанлари билан боғлаб ўқитиш учун модулли дарс технологияларига амал қилмоқ жоиз. Чунки бундай дарслар ўқувчиларни ижод қилишга, мустақил фикрлашга ўргатади.

Ўқитувчининг ижодкорлиги шундаки, улар фан учун маълум, аммо ўқувчи билмайдиган томонларни, аввало, ўзи лойиҳалайди ва ўқувчиларини ҳам шунга ундайди. Модомики, шундай экан, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ўқувчиларида тафаккур ўстириш учун интеграцияга асосланган модул дарсларини ташкил қилиш самарали усул ҳисобланади.

Касб-ҳунар таълими тизимида фанлараро алоқадорлик-интеграция дарсларини ташкил этиш ўқувчиларнинг ўзи танлаган касб-ҳунарининг мукаммал эгаси бўлишига етакловчи омил бўлади, чунки ушбу таълим тизимида ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш, касб маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

Касб-ҳунар таълими тизимида янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ўқувчилар назарий ва амалий дарсларда бевосита "жонли объектлари" билан иш кўрадилар.

Айникса, дарсларни фанлараро алоқадорликда ташкил этиш ўқувчиларнинг ўз танлаган касб-ҳунарини мукаммал эгаси бўлиши учун етакчи омил бўлади. Чунки касб-ҳунар таълими тизимида ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш, касб маҳоратини шакллантиришдан иборат.

Она тили дарсларида *"Бухгалтерия ҳисоби", "Банк иши", "Солиқ ва солиққа тортиш"* йўналишидаги гуруҳлари учун дарсларни *"Маркетинг" (Бозоршунослик)* фани билан боғлаб ташкил этиш, ўқувчиларни ҳам фанга, ҳам ўз касб-ҳунарга бўлган муҳаббатини оширади.

Бунда қуйидаги дарс усулларидан фойдаланиш мумкин.

Дастлаб ўқувчилар "Сотувчилар" ва "Харидорлар" гуруҳларига бўлинади.

"Сотувчилар" гуруҳидаги ўқувчилар она тили фанидан топшириқли саволлар тузадилар. Ушбу гуруҳ тайёрлаган саволларни ўқитувчи рақамлаб, столга тарқатиб қўяди. "Харидорлар" гуруҳидаги ўқувчилар "Сотувчилар"га ташриф буюриб, ўзлари ёктирган саволларни танлайдилар.

Масалан:

№ 1

Гаплардаги синтактик алоқа воситаларини топинг:

1. Сидиқжон этагини қоқиб ўрнидан турди-да, жадаллаганча кўча эшигига қараб кетди.

(А. Қаҳҳор)

2. Мен бир куй тўқиган эдим, билмадим меҳмонларга маъқул бўладими, йўқми?

(Ойбек)

№ 2

1. Нуқталар ўрнига тегишли тиниш белгиларини қўйинг.

Икки дугона . . . Лобар билан Назира бирга тўйга кетишди.

Телефон . . . жиринг . . . етса . . . юрагим . . . шув етадиган бўлган.

№ 3

Қайси сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда й товуши ортади?

Сира, сина, авзо, тўқи, обрў, мавзе, ўқи, илиқ.

№ 4

"Регистон майдонига кирдик" гапидаги ёрдамчи сўзларни топинг.

"Харидорлар" гуруҳидаги ўқувчилар қайси дўкондаги топшириқлар тўғри, қайси дўкондаги топшириқлар нотўғри тузилганлигини аниқлаб, баҳолайдилар.

Мисол учун: 1, 2, 3-дўкондан олинган саволлар тўғри, 4-дўкондан олинган саволлар нотўғри тузилган.

Берилган саволларнинг даражаси савдо дўконларининг харидоргир бўлиши ҳамда эркин рақобатни юзага келтиришга асос бўлади. Шунинг учун "Сотувчилар бозори" гуруҳидаги ўқувчилар ўз саволларини тўғри, мантиқли ва қизиқарли тузишга ҳаракат қиладилар. Бу усулни қўллашда ўқувчилар томонидан тест, тезкор саволлар, бошқотирмалар тузилиши мумкин. Саволлар тузиш орқали ўқувчилар билими мустаҳкамланади, дунёқараши кенгайиб боради.

А. Рафиевнинг "Она тили" дарслиги (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик)даги "Гап ва синтактик алоқа воситалари" мавзуси юзасидан берилган 63-топшириққа қўшимча тарзда қуйидаги усулдан фойдаланиш мумкин. Бунда ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинади.

Дастур тузувчилар.

Нафосатшунослар.

Техникасеварлар .

Гуруҳларга қуйидагича топшириқ берилади.

Берилган сўзлардан ўз гуруҳингизга мос сўзларни танланг ва улар иштирокида матн яратинг.

Компьютер, электромагнит, тебраниш, пайт, нафис, ворд, ўзгарувчан ток, бежирим, энергия, гўзал, қалб, диск, матн, сиғим, флешка, экзел, маҳлиё, қаршилик.

Ўқувчилар ўз гуруҳига тегишли сўзларни ажратиб олиб, қуйидагича матн тузадилар.

"Дастур тузувчилар" гуруҳи

Биз информатика дарсида ворд, паинт, экзел дастурларини ўрганамиз. Ворд дастури матн муҳаррири бўлиб, унда ҳужжатлар тайёрланади. Тайёрланган ҳужжатларни флешка ва дискларга

кўчириб саклаб кўямиз. Экзел дастурида молиявий ҳисоб-китоб ишларини амалга оширамиз. Бундан ташқари, дарс машғулотларида басис, паскал, дастурлаш тиллари ёрдамида турли масалаларни ҳисоблаш дастурларини тузамиз.

***"Нафосатшунослар"* гуруҳи**

Бизнинг коллежимизда тикувчилик гуруҳи бор. Бунда тикувчи қизлар бежирим либосларни тикишни ўрганадилар. Қизлар тиккан гўзал либослари билан *"Нафосат маликалари"* танловида иштирок этишди. Улар томонидан кўйлакларга қадалган нафис маржонлар жилоси барчани маҳлиё этди. *"Нафосат маликалари"* танловида 9-тикувчилар гуруҳи қизлари ғолибликни кўлга киритдилар.

***"Техникасеварлар"* гуруҳи**

Гидроэлектростанцияда сувнинг механик энергияси электр энергияга айлантиради. Электромагнитнинг тортишиш кучи ундан ўтаётган ток кучига тўғри пропорционал.

Вакт ўтиши билан катталиги ва йўналиши даврий ўзгарадиган электр токи ўзгарувчан ток деб аталади.

Кучланиш ток кучи билан қаршилик кўпайтмасига тенг.

Матн тузилгандан сўнг ундаги синтактик алоқа воситалари аниқланиб, тагига чизилади.

Дарсликдаги 73-топшириқни бажаришда ҳам интеграция усулини қўллаш мумкин Бунда ўқувчилар ўз мутахассислигига оид дарсликлардан фойдаланиши мумкин. Ўқувчиларга кўргазма ёки слайдда қуйидаги чизма кўрсатилади



Ўқувчилар ушбу чизмадаги ёрдамчи сўзлар иштирокида гаплар тузиб, дафтарларига ёзишлари керак. Улар қуйидаги гапларни тузиб, дафтарларига ёзадилар.

Номоддий активлар корхонанинг узоқ муддатли харажатлари бўлиб, у узоқ муддат давомида юқори даромад олиш учун шароит яратади.

Материалнинг ҳар бир турини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан ҳаражатлар тўрт гуруҳга бўлинади.

Тадбиркорликни ишбилармонлик ёки бизнес деб ҳам аташади. Кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлайди, лекин тадбиркорликдан ҳамма вақт ҳам фойда олинавермайди.

Трактор ялпи миллий маҳсулотга киритилади, чунки у тугал маҳсулот ҳисобланади.

Ёзиб бўлингач, гаплардаги синтактик алоқа воситалари аниқланиб, таянч сўз ва атамалар шарҳланади.

Бу усул ҳам ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишга, ҳам иқтисодий билимини юксалтиришга ёрдам беради.

Инсон у ёки бу касбни ўрганар экан, унда касбий тафаккур шаклланади. Ўқувчиларда иқтисодий ва касбий тафаккур ривожланиши учун она тили дарсларида иқтисодга оид матнлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Дарсликдаги 73-топшириқни бажариш учун ҳам фанлараро алоқадан фойдаланилади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун эса ўқувчиларга қуйидагича топшириқ берилади. *"Мутахассислигингизга оид дарсликдан ўтилган мавзудаги бирор парчани танлаб, дафтарингизга кўчиринг. Ундаги атамалар ва таянч сўзларнинг маъносини изоҳланг".*

Бу топшириқни бажаришда ўқувчилар ўз соҳасига оид адабиётлардан фойдаланишлари мумкин. Топшириқни бажаришда қуйидаги усулни қўллаш мумкин.

Масалан: ***бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ ва солиққа тортиш, банк иши, суғурта, иқтисодиёт*** гуруҳлари учун ҳам бир мутахассисликдан атама ва таянч сўзлар аралаш ҳолда ёзилган кўргазма ёки слайд орқали кўрсатилади. Ўқувчилар ўз

мутахассисликларига оид атама ва таянч сўзларни ажратиб олиб, сўз маъноларини изоҳлайдилар. Жумладан:

Заҳира капитали, имтиёз, банк, талаб, суғурта полиси, тақсимланмаган фойда, чегирма, ломбард кредит, таклиф эластиклиги, суғурта агенти, фойда, юридик шахслар, молиявий аҳвол, бизнес, суғурта брокери, зарар, даромад, мижоз, риск, тариф, инвентаризация, солиқ ставкаси, пассив операцияр, капитал, баланс, жисмоний шахслар, фонд ставкалари, рентабеллик, аборот, бож, стандарт кредитлар, менежмент, Дебет аборот, йиғим, маркетинг, кредит аборот, рақобат.

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" гуруҳи эса қуйидаги сўзларни ажратиб олиб, маъносини шарҳлайди.

Захира капитали – бу хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган мулкларни қайта баҳолашдан олинган ижобий фарқ ҳамда корхона соф фойдасидан амалга оширилган захира капиталига ажратма ва бошқа жисмоний шахслардан бепул келиб тушган мулклар қийматларининг йиғиндиси.

Тақсимланган фойда – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолган соф фойда.

Фойда – корхонанинг барча даромадлари ва харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ.

Зарар – корхонанинг барча даромадлари ва харажатлар ўртасидаги салбий фарқ.

Инвентаризация – хўжалик маблағларининг ҳақиқий қолдиғини аниқлаш ва уларни ҳисоб маълумотлари билан солиштириб, натижаларини аниқлаш усули.

Баланс – лотинч "биз" – икки марта, тарози палласи деган маънони англатади, "ланх" сўзи тарозининг икки палласи, тенглик демакдир.

Аборот – шартларнинг дебет ва кредит томонларида жорий ой давомида акс эттирилган операциялар жамланмаси.

Дебет аборот – Счётнинг дебет томонидаги ёзувларининг жами (қолдиқдан ташқари).

Кредит аборот – Счётнинг кредит томонига жорий ой давомида ёзилган суммалари.

Бундай топшириқни бажарган ўқувчи онгида атама ва таянч сўзлар ва уларнинг маънолари сақланиб қолади. Шунингдек, улар ажратиш, гуруҳлаш, таснифлаш орқали уларда ижодийлик, топқирлик ривожланади. Мутахассислигига бўлган иштиёқи янада ортади.

Масалан, "Пул муомаласи" фанидан қуйидаги матнни келтириш мумкин:

Инфляция асосчиси

Шотландиянинг Эденбург шаҳрида дунёга келган Жон Лонини инфляциянинг асосчиси деб аташади. Гап шундаки, қиморбоз Лони Англияда дуэлда қатнашиб, одам ўлдиргани учун қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Тез орада у қамоқдан қочиб, Францияга келиб қолади ва банк иши билан шуғуллана бошлайди.

Тез орада "ҳаммани бахтли, бой қилиш" ҳақида иккита китоб ёзади. Унинг фикрича, муомаладаги тангаларни йиғиштириб олиб, исталган ҳажмда қоғоз пул чиқариб ҳаммани бой-бадавлат қилиш мумкин эмиш. Унинг бу фикри Франция қироли Филипп Орлеанскийга маъқул тушуб, у банк директори, кейинчалик эса молия вазири бўлди.

Шу тариқа на товар, на хизматлар билан таъминланмаган қоғоз пуллар муомалага чиқарилган. Бу эса пулнинг қадрсизланишига, инфляцияга ва бутун давлат банк тизимининг синишига олиб келган. Ло номини эса инфляциянинг отаси сифатида тарихда қолди.

Ўқувчилар матнни ўқиб, ундаги синтактик алоқа воситаларини топадилар.

Ёрдамчи сўзлар: *-ки, учун, ва, билан, на.*

Келишик қўшимчалари: *-нинг, -да, -га, -ни, -дан.*

Эгалик қўшимчалари: *III шахс бирлик.*

Шахс-сон қўшимчалари: *III шахс бирлик.*

Нафосатшунослар. *Бизнинг коллежимизда тикувчилик гуруҳи бор. Бунда тикувчи қизлар ўзлари бежирим либосларни тикишни ўрганадилар. Қизлар тиккан гўзал либослари билан "Нафосат" танловида иштирок этдилар. Улар томонидан кўйлакларга қадалган нафис маржонлар жилоси барчани маҳлиё*

этди. Нафосат танловида 9-тикувчилик гуруҳи қизлари ғолибликни қўлга киритдилар.

Техникасеварлар. *Гидроэлектростанцияда сувнинг механик энергияси электр энергияга айлантирилади.*

Электромагнитнинг тортишиш кучи ундан ўтаётган ток кучига тўғри пропорционал.

Вақт ўтиши билан катталиги ва йўналиши даврий ўзгарадиган электр токи ўзгарувчан ток деб аталади.

Кучланиш ток кучи билан қаршилик кўпайтмасига тенг.

Матн тузилгандан сўнг ундаги синтактик алока воситаларни аниқлаб, тагига чизадилар.

А. Рафиевнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун она тили дарслигидаги **"Тил ва нутқ"** мавзуси тушунтирилаётганда, ўқувчилар иккита кичик гуруҳга бўлинадилар ва ёзув тахтасидаги қуйидаги топшириқни ***"Кластер"*** усулида бажарадилар. 1-гуруҳга *"тил"*, 2-гуруҳга эса *"нутқ"*га оид маълумотларни тўплаш топшириғи берилади.

1-гурух

2-гурух



Бунда ўқувчиларнинг ёзган жавобларини “тўғри”, “нотўғри” деб таҳлил этилмайди. Гуруҳ нима ёзса, шундай қабул қилинади.

Гуруҳ ишини тугатгач, “Тоифалаш жадвали” усули асосида иш олиб борилади.

Тоифалаш жадвали

Тил	**Нутқ**
1. Алоқа материали *2. Халқ, миллат яратади* *3. Тилнинг ҳаёти узоқ* *4. Тил нисбатан турғун, барқарор* *5. Тилнинг ҳажми ноаниқ*	*1. Алоқа шакли* *2. Бир шахс яратади* *3. Нутқ ҳаёти қисқа* *4. Нутқ ҳаракатда барқарор* *5. Нутқнинг ҳажми аниқ*

Ўқитувчи тил ва нутқнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиб беради.

Ўқувчиларнинг она тилидан олган маълумотларини таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашда ёки қарама-қарши қўйишда “Венн диаграммаси” график органайзердан фойдаланиш ўқувчиларнинг тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Масалан:

От ва сифат сўз туркумларини солиштириш ва ўхшашликларини аниқлаш.

Она тили таълимида педагогик технологиянинг ўрни бениҳоя каттадир. Ҳадисларда "Кишининг гўзаллиги унинг тилидан билинур" дейилган. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида нутқи равон ёшларни тарбиялаш бизнинг бурчимиздир.

"Сўз ичра мудом ақл яшириндур" бўлимида ўқувчилар қуйидагиларни ўрганиши даркор.

а) нутқий муомала одоби мезонлари;

б) нутқда сўзни тўғри танлаш ва ўринли қўллаш йўллари;

в) сўз маъноларини аниқлаш ва фарқлай олиш;

д) кўчма маъноли сўзлардан ўринли фойдалана билиш;

е) сўзларни шакл ва маъно муносабатига кўра фарқлаш, нутқда бу имкониятдан фойдаланиш;

г) сўзларнинг ҳиссий – таъсирий белгиларини тавсифлаш.

Бу бўлим бевосита адабиёт, маънавият асослари, нутқ маданияти дарсларига боғланади. Бу мавзуни ўтишда "Ақлий ҳужум" усули яхши самара беради.

Дарсликдаги 51-топшириқда қуйидагича вазифалар берилган.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги "Сўз таърифида" бобини ўқинг ва шу асосда қуйидаги саволларга жавоб беринг.

Бу топшириқни бажаришда слайд ёки мультимедиядан фойдаланиш мумкин.

Мультимедия орқали "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги "Сўз таърифида" боби ўқиб эшиттирилади ёки слайд орқали кўрсатилиб, ўқитувчи томонидан ифодали ўқилади. Сўнг ўқувчиларга саволлар билан мурожаат этилади.

Савол: Алишер Навоий сўзни нима учун гавҳарга ўхшатади?

Жавоб: ***Сўз гуҳарига эрур анча шараф,***
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Барча кўнгил дуржи аро жавҳар ул,
Барча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

Алишер Навоий сўзни мана шундай қимматбаҳо гавҳарга ўхшатар экан, уни шундай таърифлайди.

"Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди. Тўрт садаф (сув, ҳаво, ўт, тупрок) ичидаги гавҳарга қути ҳам сўз, осмон юлдузларининг буржи ҳам шу сўз".

Савол: "Танида руҳ-анинг толиби" жумласини шарҳланг.

Жавоб: ***Жон ўлиб ул, руҳ анинг қолиби,***
Ким танида руҳ – анинг толиби.

Алишер Навоий бу хусусда шундай дейди: "Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танида руҳи бор одам доим унга эҳтиёж сезади. Сўз дунёда бор барча кўнгилларнинг қутисидаги жавҳар, ҳамманинг оғиз қутисидаги қимматбаҳо гавҳардир. Агар тил бамисоли бир пўлат ханжар бўлса, сув унга қадалган инжулардир. Тил бу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одоб танасига пок руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги гирик руҳ ҳалок бўлиши мумкин".

Алишер Навоий ҳар бир инсон, ширинсухан бўлишлигини, сўзнинг – дил калити эканлигини ифодалаб беради.

Савол: Алишер Навоий қайси мисраларида сўзни фикр мажмуи маъносида қўлланган?

Жавоб: ***Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,***
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Файз ҳаримида тажаллий анга
Ким ёрубон машъали маъни анга.

Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дуру маъни садафин жам этиб.

“Кимда маъно гавҳари бўлса, ўша одам сўз дарёсининг ғаввосидур. Маъно машъали кимнинг юзини ёритган бўлса, файз ҳарамида жилва этиш ўшанга насиб бўлади. Ким маъно дурининг садафидан ўзига жам қилган, сўз майини ўша одам тўла симиради”.

Савол: Сўзнинг бадиий имкониятлари хусусида шоир нималар дейди?

Жавоб: ***Назм анга гулшанда очилмоғлиги***
Наср каро ерга сочилмоғлиги.

Алишер Навоийнинг бу хусусдаги қуйидаги жумласини келтириш мумкин.

Қалам сўзни шарҳлаб ёзган шунча гаплар насрга оиддир. Назмдаги сўзнинг хоссаси бундан ҳам бошқача оддий сўзлашувда ёлғондан эътиборсиз нарса йўқ. Лекин назмдаги ёлғон (муболаға)ни донолар ҳам маъқул кўради. Тиш дурлари ўз жойида тизилиб турганда, тартибли, яхши кўринади. Улар сочилиб кетгудай бўлса, қандай қимматга эга бўлиши мумкин? Гулшанда гулларнинг саф тортиб очилиб туриши бу-назм; уларнинг ерда сочилиб, тўкилиб ётиши эса насрдир.

Назмда ҳам асосий нарса маънодир, унинг шакли эса ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосида қурилган шеър – ҳақиқий шеър”

Савол: “ . . . дур сўзини афсона бил” – жумласи орқали қандай фикр илгари сурилади?

Жавоб: ***Донаи дур сўзини афсона бил,***
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

“Дурнинг бир донаси билан боғлиқ гапга ишонма, сўзни жаҳон денгизидаги ҳақиқий дурдона бил.

Ўқувчилар бу кўрсатилган ёки ифода этилган Алишер Навоийнинг “Сўз таърифида” айтган фикрларини таҳлил этадилар.

Дарсликдаги 53-топшириқда нутқ одобига оид 10 та мақол ёзиш ва улардан 2 тасини шарҳлаш топшириги берилган.

Нутқ одобига оид қуйидаги мақолларни илова қилиш мумкин.

1. Сўз кўрки – мақол.

2. Сўз қадрини билмаган ўз қадрини билмас

3. Тил ақлнинг қиличи, фаросат – ғилофи.

4.Тил билган навкар бол билан шакар,
Тил билмас навкар обрўни тўкар.

5. Тилни тийган бой бўлар.

6. Гап кўп, умр – оз.

7.Айтилмаган сўзни айттириб бўлар,
Айтилган сўзни қайтариб бўлмас.

8. Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ,
Сўзлаб эдим, бошимга тегди таёқ.

9.Дўстинг ҳам – тил,
Душманинг ҳам – тил.

10. Тил сақлаган ўйланар,
Тилдан озган бойланар.

11.Тил суяксиз, тиш – қалъа
Тил ёмони - бир бало.

12. Одам одамнинг дардини олар.

13.Сўз кишининг ўзаги,
Одоб кишининг безаги.

14.Ёлғон айтган кишининг
Хатари бор ишининг.

15.Икки чин сўз – бир ёлғоннинг елими,
Икки ёлғон – бир йигитнинг ўлими.

16.Гапирганда ўйлаб гапир,
Юзинг шивит бўлмасин.
Мақоллар берилгач, улардан 2 таси шарҳланади.

Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ,
Сўзлаб эдим, бошимга тегди таёк.

Ўқувчилар мақолни шарҳлайдилар. Уларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ўқитувчи ҳам ўз фикрини билдиради ва унга илова сифатида Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асаридан қуйидаги ҳикоят ўқиб берилади.

Карнинг бемор зиёрати

Бир кар одам қўшниси касал бўлганидан хабар топди ва ўзича шундай ўйлади: "Қўшнимни бориб кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўрашим лозим. Аммо мен карман, қулоғим эшитмайди, у эса касал – овози чиқмайди. Дарвоқе, касалдан сўраладиган саволлар ҳам, олинажак жавоблар ҳам маълум. Мен: "Қандайсиз?" дейман, у: "Яхшиман, раҳмат", дейди. "Нималар еяпсиз?" деб сўрайман, албатта, бирор овқат номини айтади. Мен: "Ош бўлсин", дейман. "Қайси табиблар келяпти?" деган саволимга ҳам бирор исмни айтиб жавоб беради. Мен: "Яхши табиб", дейман - вассалом".

Кар касалнинг ёнига бориб, бош томонига ўтирди ва:

– Қандайсиз, қўшнижон? – дея ҳол-аҳвол сўрай бошлади.

Касал инграб:

– Ўляпман! – дея жавоб бергач, кар:

– Оҳ – оҳ, жуда хурсанд бўлдим, - деди.

– Бу нимаси, мен ўламан, десам, бу куламан, дейди?! – дея жаҳли чиқди беморнинг.

Кар яна сўради:

– Нима еяпсиз?

– Заҳар! – деди бемор жаҳл билан. Кар бирор овқат номи деб гумон этди:

– Ош бўлсин! . . .

Касалнинг тоқати тоқ бўлди.

– Даволашга қайси табиблар келяпти?

– Қани, йўкол бу ердан! Азроил келяпти! – дея тутоқди бечора касал.

– Жуда билимли, тажрибали табиб у . . . Иншооллоҳ, якинда бир чорасини топади.

Касал ортиқ чидай олмади:

– Йўко – о – ол! – дея бақирди.

Кар эса қўшничилик ҳаққини адо этганидан мамнун бўлиб чиқди.

Бас, ўшалар хушу хурсанддир ҳамон,
Қўшнилик ҳаққин бажо этдим, дебон.

Ўзи билмасдан олов ёндирди ул,
Ўзни ёқди, хастани куйдирди ул.

"Маснавий" эслатади:

"Кар килган қиёси туфайли ўн йиллик дўстлиги ва ҳол – аҳвол сўраши бекорга кетди. Сенинг туйғу қулоғинг кар бўлса, кўнгил қулоғинг очиқ бўлмоғи керак. Кўнгил қулоғи ҳар нарсани сезади, эшитади" (1 жилд, 3360-байт).

Ҳикоят эшиттирилгач, таҳлил қилинади. Бунда "Ақлий ҳужум" усулидан фойдаланиш катта самара беради. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, айтилган сўз инсон қалбига озор етказмаслиги кераклиги уқтирилади. Бу эса ўқувчиларда инсонийлик туйғуларини шакллантиради.

Маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар мавзусини ўтишдан аввал "Инсерт усули"дан фойдаланиб олиш зарур. Чунки, бу мавзулар умумтаълим мактабларида ўрганилган.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарснинг технологик харитасини яратиш, келгусидаги дарснинг лойиҳасини тузиш талаб этилади. Ҳар бир дарс ранг-баранг, қизиқарли бўлиши учун унинг лойиҳалаштирилган технологик харитасини яратиш кутилган натижани беради.

Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафоланланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит бир ҳукм ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши лозим.[1]

Инсерт усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	**Фаолият мазмуни**	
	таълим берувчи	**Таълим олувчилар**
1-босқич Тайёргарлик	Ўқув машғулот мақсадини аниқлайди, унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради, керакли ўқув материалларини тайёрлайди.	
2-босқич Кириш	Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар.
3-босқич	Мавзу бўйича мавжуд ахборотларни фаоллаштиради: ақлий	Саволларга жавоб берадилар Жадвалнинг

[1] Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Истеъдод жамғармаси, 2008. 17-б.

Асосий қисм	ҳужум усули ёрдамида қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф этади: “Сиз маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар тўғрисида нималарни биласиз?” Ёзув тахтасида алоҳида сўз кўринишида ёзишни ташкиллаштиради. Олинган ахборотларни тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун: 1)тоифали жадвал тузилмасини жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради; 2) ёзув тахтасида жадвал чизишни ва унга (жамоавий, алоҳида) олинган ахборотларни киритишни таклиф этади. Ҳосил қилинган билимларни умумлаштиради: қуйидаги саволга жавоб беришалрини таклиф қилади: “Сиз мавзу бўйича қандай янгиликларни билишни хоҳлар эдингиз?”, “Сизга маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар тўгрисидаги билимлар нима учун керак?”. Матнни тарқатади, уни ўқиб чиқишни ва инсерт усулидан фойдаланиб матн четида белгилар қўйишни таклиф этади.	тузилмавий таркибий қисмларини ечишда иштирок этадилар. Унга ахборотлар “Киритадилар”. Саволларга жавоб берадилар Жуфтликда ишлайдилар; ўрганилган материал бўйича фикр алмашадилар Муҳокама вақтида танлаб олинган ахборотларга асосланиб, гуруҳли жадваллар тузадилар Гуруҳ сардорлари натижалар тақдимотини ўтказадилар. Бунда улар эътиборини асосий ахборотга қаратадилар, ўқиш давомида пайдо бўлган саволларни айтадилар.

	Ишнинг боришини кузатади. Ишнинг ўзаро текширувини ўтказиш ва ўқиш пайтида пайдо бўлган саволларга жавоб беришни таклиф этади. Ихтиёрий белги бўйича гуруҳларга бўлади ва гуруҳли Инсерт жадвалларини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф этади. Натижалар тақдимоти бошланишини эълон қилади.	
4-босқич Якуний қисм	Олинган ахборотни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. Максадга эришиш муваффақиятини таҳлил қилади ва баҳолайди. Кейинги иш истиқболларини аниқлайди.	

Шу сабабли гуруҳни 3 кичик гуруҳга ажратиб, 1-гуруҳга "Маънодош сўзлар", 2-гуруҳга "Шаклдош сўзлар", 3-гуруҳга "Зид маъноли сўзлар" мавзуси юзасидан инсерт матнлари берилади.

Ўқувчилар матнни ўқийдилар ва қуйидагича белгилайдилар.

√ – мен биламан
+ - мен учун янги ахборот
- - мени билганларимга зид
? – мени ўйлантириб қўйди
Бу бўйича менга янги ахборот керак.

1 – г у р у х

Маънодош сўзлар

Маънодош сўзлар – шакли ҳар хил бўлса ҳам, маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлардир. Маънодош сўзлар бир хил предметларни (овқат, ош, таом), предметнинг бир хил белгисини (ишчан, ҳаракатчан, тиришқоқ), бир хилдаги ҳаракатни (асрамоқ, сақламоқ) билдиради.

Маънодош сўзларда умумий ва хусусий маънолар фарқланади. Маънодош сўзлар икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлган синонимлик қаторни ташкил этади. Кўп маъноли сўзлар кўчма маъносида бошқа сўзлар маънодош бўлиши мумкин.

Маънодошларнинг қуйидаги турлари мавжуд.

1) Лексик. Булар ҳам икки хил бўлади:

а) тўлиқ – ҳар жиҳатдан тенг келадиган, ўзаро фарқ қилмайдиган, бирининг ўрнида иккинчисини бемалол қўллаш мумкин бўлган синонимлардир.

б) маъновий – айрим маъно нозикликлари билан фарқ қиладиган, бирини иккинчисининг ўрнида ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайдиган синонимлардир.

2) Фразеологик

3) Лексик-фразеологик – сўз ва ибора ўртасидаги маънодошлик.

2 – г у р у х

Шаклдош сўзлар

Шаклдош сўзлар – талаффузи ва ёзилиши бир хил, аммо маъноси хар хил бўлган сўзлардир. Шаклдош сўзлар бир сўз туркумига, икки хил сўз туркумига, уч хил сўз туркумига ҳам оид бўлиши мумкин. Бир туркум доирасидаги шаклдошлик асосан от ва феъларда мавжуд. Бундай шаклдош сўзлар қўшимчалар қабул қилганда ҳам омонимлигини сақлаб қолаверади.

3 – г у р у ҳ

Зид маъноли сўзлар

Зид маъноли сўзлар – қарама-қарши тушунчаларни ифодалайдиган сўзлардир. Зид маъноли сўзлар жуфт ҳосил бўлиши учун иккита мустақил тушунча маъно жиҳатдан ўзаро қарама-қарши бўлиши керак. Феъллардаги бўлишли-бўлишсизлик хусусияти антонимликни вужудга келтирмайди.

Антонимликда учта белги бор:

1) шакли жиҳатдан ҳар хиллик

2) маъно жиҳатдан ҳар хиллик

3) маънодаги ўзаро зидлик

Ана шу учта белгига эга бўлган иккита сўзгина ўзаро антоним бўлиши мумкин.

Ўқувчилар юқоридаги белгилар билан қуйидаги жадвални тўлдирадилар.

Жумладан:

1-гуруҳ аъзоси

√	+	-	?

2-гуруҳ аъзоси

√	+	-	?

3-гуруҳ аъзоси

√	+	-	?

Ўқитувчи жадвал белгиларини кўриб чиқади, мавзу бўйича янги ахборотларни ўқувчиларга етказади.

“Маънодош сўзлар” мавзуси учун ўқувчиларга яна мана бундай чизмалар берилиб, сўзларнинг мос маънодошларини қўйиб ёзиш топшириғи берилиши мумкин.

Юрак осмон қизиқ керак битирмоқ асосий биринчи

…… …….. …… …… …… …….. ……

…… …….. …… …… …… …….. ……

…… …….. …… …… …… …….. ……

…… …….. …… …… …… …….. ……

(ғалати, зарур, муҳим, илк, кўнгил, само, адо этмоқ, лозим, кўк, дастлабки, долзарб, ажаб, дўндирмоқ, фалак, қалб, ажиб, шарт, бажармоқ, даркор, аломат, кўк, дил, ажойиб).

Пароним сўзлар мавзуси учун қуйидагича бошқотирма усулидан фойдаланиш мумкин.



Ўқувчилар бу бошқотирмадан пароним сўзларни топиб ёзади.

1. Абадий – адабий

2. Бурж - бурч

Адиб – адип Бод - бот

Амр - амир Боб – боп

3. Дарз – дарс 4. Қад - қат

Дуб – дуп Қисм - қисим

Девон – диван Қарз – карс

"Сўзларда ҳиссий – таъсирий муносабат ифодаси" мавзусида ижобий ва салбий бўёқдор сўзларни ўрганишда бадиий асарлардан фойдаланиш кутилган натижани беради. Мавзуни ўтиш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. "Зиқна бўлмай ўл! – деб ўйлади хотинини сўкиб, - Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди".

Ичкарида чақалоқ йиғлади. Бешикнинг ғичирлагани ешитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйгониб кетди шекилли, қўшилишиб йиглашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди.

– Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кўчасида жин теккан бунга!

2. "Менга деса отиб юбормайдими! – деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганча усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан.

– Ҳарна битта ҳаромхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди".

(Ўткир Ҳошимов. "Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикоясидан)

3. Хурсанд бўлиб кетганидан отахон мени обдон меҳмон қилди, кейин термосдан чой қуйиб бераётиб;

– Оббо ўғлим-ей, оббо тойчоғим-ей, – деб қўйди.

4. Ўзимизнинг аграном областга кўтарилиб кетди. Умрингдан барака топкур кўп азамат йигит эди. Нима, даданг аграномми дейман?

(Х. Тўтабоев. "Сариқ девни миниб" асаридан)

«Сўзларда ҳиссий-таъсирий муносабат ифодаси» мавзусидаги 61-топшириқни ўрганишда "Пинборд" усули яхши самара беради.

ПИНБОРД ТЕХНОЛОГИЯСИ

Пинборд усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич Тайёргарлик	Ўқув машғулотида пинборд ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган гояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди	
2-босқич Мавзуни яхши ўрганиш	Мавзу тузилмасини аниқлайди. Пинборд усулини тушунтиради. Ўзининг фикрларини айтади ва таълим олувчиларга ўз фикрларини айтишларини таклиф этади, мунозара бошланишини тезлатиш учун бир қатор саволлар беради. Кузатади. Берилган муаммони эслатади ва бошлашга рухсат	Ҳар бир гуруҳ баҳо ва мақбул, самарали оқилона ғояларини қайд этиб бориши учун эксперт танлайди. Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар

	беради	
3-босқич Якуний хулосани ёзма баён етиш 4-босқич Умумлаштириш	Маслаҳат, тавсиялар беради	Мунозара жараёнида ишлаб чиқилган, ўз фикрларини, асосий якуний хулосадек, кичик қоғозларга ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар . Ўқув гуруҳидан 2-3 вакиллар бошқа таълим олувчилар билан маслаҳатлашиб, маълумотни тизимлаштирадилар ва мазмунига кўра гуруҳлайдилар. Кўрсатувчи чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида уларнинг мосликларини кўрсатадилар.
5-босқич Якун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Якунларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қилади ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражаси ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффакиятларини кўрсатади.	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

Ўқувчилар 2 гуруҳга ажратилади. Аввал топшириқдаги матн ўқиб эшиттирилади.

1-гуруҳга – ижобий бўёқдор

2-гуруҳга – салбий бўёқдор сўзларни ёзиш топшириғи берилади.

Талабалар қоғоз варақларига сўзларни ёзиб ёзув тахтасига ёпиштирадилар.

1-гуруҳ

Xursand

qizaloqlar

Bolam

Ko'nglini olish

2-гуруҳ

Vijdonsiz

Cho'loq

Shallaqi

Zolim

ablah

Ўқувчилар ёзган жавобларида қандай маъно ифодаланаётганини (ҳурмат, эркалаш, кўтаринкилик, руҳият, қўрқиш, менсимаслик, нафратланиш, ҳурматсизлик) айтиб беради.

Она тили дарсларида матн устида ишлаш ўқувчи фикрлаш қобилиятини оширади. «Матнни кенгайтириш йўллари» (96-бет) мавзусини ўрганишда ўқувчиларга қуйидагича топшириқ бериш мумкин. Бу топшириқни бажаришда ҳам пинборд усули яхши самара беради.

Гуруҳ 2 га ажратилади. Гуруҳ учун бирор мавзу танланади ва мавзу юзасидан 1-гап ёзиб ёзув тахтасига ёпиштирилади.

Масалан:

Ҳар бир гуруҳ аъзоси мавзу юзасидан ўз фикр асосида гап тузиб, қоғозга ёзиб, ёзув тахтасига ёпиштиради. Шу тариқа ёзув тахтасида матн кенгайтирилиб борилади. Матнни кенгайтиришдаги йўл ва воситалардан қандай фойдаланганига кўра гуруҳлар баҳоланади.

"Гап ва синтактик алоқа воситалари" мавзуси учун «Синтактик алоқа воситалари» мавзусини тушунтираётганда аввал "кластер" усули, сўнг «тоифалаш жадвали» усулларидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга синтактик алоқа воситаларини айтиш топшириғи берилади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи айтган жавобни ёзув тахтасига ёзиб боради. Ўқитувчи ёзаётган пайтда «бу хато», «бу нотўғри» жумлаларини қўлламайди, яъни ўқувчилар томонидан айтилган барча воситалар ёзилаверади.



2	Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг қисми бўйича бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўқув гуруҳлари ишлайди. Таянч (эксперт варақлар) ни тақдим этади	Гуруҳ ичида умумий топшириқ бўлинади
3	Топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қилади	3.1. Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. 3.2. Гуруҳ аъзоларини кичик маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар.
4	Гуруҳлардаги иш якунини ва натижалар тақдимотини эълон қилади	Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ маруза тақдимотини ўтказадилар.
5	Гурух натижаларининг таҳлили ва баҳоланишини ўтказади, ғолиб гуруҳни аниқлайди.	

Г а п

1-гурухи





Сўз бирикмалари ва сўзлар ўзаро синтактик жиҳатдан бирикиб, гапни, гаплар эса ўзаро мантиқий жиҳатдан боғланиб матнни ҳосил қилади.

2-гуруҳ

Эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчалари

Эгалик қўшимчалари – исмларга қўшилиб асос қисмида ифодаланган нарсанинг белгисини, хусусиятини, ҳаракат-ҳолатини уч шахсдан бирига қарашлилигини билдирган қўшимчалардир.

	БИРЛИК	***КЎПЛИК***
I шахс	*Онам, боришим*	*Онамиз, боришимиз*
II шахс	*Онанг, боришинг*	*Онангиз, боришингиз*
III шахс	*Онаси, бориши*	*Оналар и, боришлар и*

Келишик шакллари: исмларни бошқа сўзларда тобелантириб боглаш учун хизмат қилувчи қўшимчалар келишик шакллари саналади. Келишик шакллари доим тобе сўзга қўшилади. Ўзбек тилида олтита келишик шакллари мавжуд.

Келишик номлари	***Қўшимчалари***	***Мисоллар***
Бош келишик	-	Бола гапирди.
Караткич келишиги	- нинг	Каримнинг укаси
Тушум келишиги	- ни	Дўстини учратмоқ
Жўналиш келишиги	- га (- ка, - қа)	Онага, тоғга, булоққа, билакка
Ўрин-пайт келишиги	- да	Мактабда ўқимоқ
Чиқиш келишиги	- дан	Уйдан чиқмоқ

Шахс-сон шакллари

Феълдан ифодаланган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарувчи шахсни билдириб, феълни гапда кесим сифатида шакллантирувчи, эга билан боғлаб келувчи шакллар шахс-сон шакллари дейилади. Бу қўшимчалар тусловчилар ҳам дейилади.

БИРЛИК

I шахс	*бордим, борсам, борибман*
II шахс	*бординг, борсанг, борибсан*
III шахс	*борди, борса, борибди*

КЎПЛИК

I шахс	*бордик, борсак, борибмиз*
II шахс	*бордингиз, борсангиз, борибсиз*
III шахс	*бордилар, борсалар, борибдилар*

3-гуруҳ

Кўмакчи, боғловчи, юклама ва боғламалар

КЎМАКЧИ

Исмлардан кейин келиб (от, олмош, ҳаракат номи, сифатдош) уларни ҳоким сўзга боғлаш учун хизмат қилувчи сўзлар кўмакчи саналади.

Кўмакчилар етакчи сўзга богланиб, унга турли қўшимча маънолар юклайди.

Мақсад	***Йўналиш***	***Фикр мавзуси***	***Ўхшатиш***	***Чегара***
сабабли туфайли учун	*томон қараб сари бўйлаб*	*ҳақида тўғрисида*	*каби сингари янглиг*	*қадар довур*

Ko'makchilar 3 xil kelishik shaklidagi so'zlarni boshqarib keladi

- *Bosh va qaratqich kelishigidan keyin qo'llaniladigan ko'makchilar*
- *Jo'nalish kelishigidan keyin qo'llanuvchi ko'makchilar*
- *Chiqish kelishigidan keyin qo'llanadigan ko'makchilar*

Bog'lovchi

- ***Teng bog'lovchi***
  - **Biriktiruv bog'lovchi** *va hamda ham -da -u, -yu*
  - **Ayiruv bog'lovchi** *goh – goh dam – dam ba'zan – ba'zan*
  - **Zidlov bog'lovchi** *ammo lekin biroq balki*
  - **Inkor bog'lovchi** *na ... na*
- ***Ergashtiruvchi bog'lovchi***
  - **Aniqlov bog'lovchisi** *ya'ni*
  - **Sabab bog'lovchisi** *chunki toki negaki shuning*
  - **Shart bog'lovchisi** *basharti agar garchi*



Боғлама

От кесим таркибида қўлланувчи кесимлик кўрсаткичидир. У кесим билан эгани боғлашга хизмат қилувчи восита бўлиб, мустақил маъносини йўқотади.



4-гуруҳ

Оҳанг

Гапда мақсадга мос тарзда сўзни қўллаш ифода баёнига мувофиқ кетма-кетликда сўзларни жойлаштириш фикрнинг мантиқий изчиллигини таъминлайди. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари оҳанг билан боғланади.

Йигитлар дарахтларнинг остини юмшатдилар, қизлар коллеж ҳовлисини супурдилар.



Тартиб

Сўз тартибининг ўзгариши гапнинг мазмуни ва қурилишини ўзгартиради.

Хона бўш – Бўш хона

Кўп болали аёл – Аёл кўп болали

Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ маъруза тақдимотини ўтказадилар, гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳоланишини ўтказади, ғолиб гуруҳни аниқлайди.

КЕЙС СТАДИ

Нутқ услубларидан "Публицистик услуб" мавзуси тушунтирилаётганда "КЕЙС СТАДИ" усулидан фойдаланиш яхши самара беради.

Кейс билан ишлаш қоидалари

Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти турли ҳажмда бўлиши (бир варақдан бир неча юз варақгача), таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши; таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Амалий вазиятни таҳлил қилиш вақтида:

- таклиф этилаётган ахборотларни кўриб чиқишда адашманг, улар орасида энг зарурини белгиланг;
- вазиятни тор истиқболда кўриб чиқманг: муаммо бирданига кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин;
- ҳаракатлар режасини вазият таҳлили тугалланган ва муаммо аниқлангандан сўнг шакллантиринг.

Ўқувчи-талабаларга йўриқнома

Иш босқичлари	*Маслаҳатлар ва тавсияномалар*
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. "Соғлом авлод тарбияси" ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилинг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. "Соғлом авлод тарбияси" тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиниси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг. 1. Инсониятнинг энг заиф томонлари нимада? 2. Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли ёшларнинг сигаретага ружу қўйишини вужудга келтирган салбий иллатларни ажратиб олинг ва муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, уларни олдини олиш йўллари ҳақида фикр юритинг. 3. Фарзандларнинг ҳар қандай иллатларга

	ружу қўйишларига нималар сабаб бўлаётгани ҳақида мушоҳада қилинг? Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятда таҳлил қилиш-объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий кирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг. Маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш зарурати ошиб бориши сабабларини, унинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беринг.
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган "Муаммоли вазият" жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантларидан танлаб олинг ва ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова қилинг.

Амалий вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш йўриқномаси

Ишнинг босқичлари	***Тавсиялар ва маслаҳатлар***
Вазият ва муаммо ҳақидаги тасаввурнинг келишилиши	Гуруҳ аъзоларининг вазият, муаммо ва кичик муаммолар ҳақидаги турлича тасаввурларини муҳокама қилинг ва келишинг. *1. Муҳокама пайтида Мунозара қатнашчиси учун эслатмани эсдан чиқарманг!*

Таклиф этилган мукобил вариантлар таҳлили ва баҳоланиши, устувор ғоянинг танланиши	Муаммо ечимининг таклиф этилган вариантларини муҳокама қилинг ва баҳоланг. Сизнинг назарингизда, энг устувор ғояни танланг. • *Муаммо ечимининг устувор ғоясини баҳолаш ва танлашда ҳар қандай техникадан фойдаланинг.*
Ўзаро мақбул ечим варианти ва уни амалга ошириш дастурининг ишлаб чиқилиши	Муаммонинг ўзаро мақбул ечими варианти ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқинг: 1) муаммо ечимининг танланган усуллари ва воситаларини аниқ ифодаланг ва асосланг; 2) муаммони амалга ошириш бўйича илк қадамларни баён қилинг.
Тақдимотнинг тайёрланиши	Иш натижаларини гуруҳ номидан оғзаки тақдимот шаклида чизмалаштиринг. Гуруҳ иши натижаларини ким тақдим қилиши ҳақидаги масалани муҳокама қилинг ва ҳал этинг: етакчими ёки муаммони таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида гуруҳ аъзолари ҳал қилган вазифаларга қараб функцияларни қатнашчилар (ҳам маърузачилар) ўртасида тақсимлаш орқали бутун гуруҳи. Плакатлар, слайдлар ёки мультимедия шаклидаги илова материалларини тайёрланг. • Ахборотни тайёрлашда, *аввало, гапирмоқчи бўлган ахборотнинг тахминий чизмасини тузиб олинг. Тафсилотларига берилиб кетманг!*

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

(мустақил аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б	Жами макс. 10 б
1.				
2.				
3.				

8 – 10 балл – аъло
6 – 8 балл – яхши
4 – 6 балл – қониқарли
0 – 4 балл - қониқарсиз

Кейс-стади усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
Тайёргарлик	Танишиш учун талабаларга кейс материалларини тайёрлайди ва аввалги машғулотларда тарқатади.	Кейс мазмуни билан танишадилар
1-босқич Ўқув машғулотига кириш (5 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни олиб бориш режаси билан таништиради. Кейс аҳамиятини ва уни касбий билимларни ривожланишига таъсирини тушунтиради.	Диққат киладилар.
2-босқич Билимларни фаоллаштириш (10 дақ.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор – сўров ўтказади (№ Илова). 2.2. Семинарда ишлаш тартиби, баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради (№, № Илова).	Саволларга жавоб берадилар. Муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.
3-босқич Алоҳида ишлаш (20 дақ.)	3.1. Кейс материалларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш қоидаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади. 3.2. Вазиятни мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топшириғини беради	Кейс материал-ларини муҳокама киладилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар. Мустақил

		равишда таҳлил қилиш варағини тўлдиради лар, муаммони ечадилар.
ИВ-босқич Кичик гуруҳларда ишлаш (20 дақ.)	4.1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади ва топшириқ беради: вазиятни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиб кўриш, гуруҳ учун вазиятни таҳлил қилиш варағини тўлдириш, ечиш тартибини ишлаб чикиш, топшириқни ечиш, тақдимотга тайёрланиш	Кейсни ечиш ва тақдимот варағини тайёрлаш бўйича ҳаракатлар қиладилар
В-босқич Тақдимот (20 дақ.)	5.1. Тақдимот, муҳокама ва гуруҳлар тақдимотини ўзаро баҳолашни ташкиллаштиради. Жавобларни шарҳлайди, таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор каратади. Кейс бўйича ўзининг жавобини ҳавола қилади (№ Илова).	Гуруҳлар тақдимот қиладилар Бошқа талабалар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар

Кейс матни 80-машқ. Кейс матни билан ишлашда **мисоллар асосида таълим бериш усулидан** фойдаланиш мумкин. Мазкур усулда қуйидагиларга эътибор каратилади:

Мисоллар асосида таълим бериш – таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш учун фойдаланиладиган (гипотетик, тахминий) вазиятнинг ёзма равишдаги таърифидир.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Талаба (ёки ўқувчи)ларни мисол билан таништириш.
2. Мисол билан танишишлари учун ўқувчиларга вақт ажратиш.

3. Мунозара юритиш (ёки муаммо ҳал этиш) учун саволлар тақдим этиш.

4. Муаммони ҳал этиш учун ўқувчиларга вақт бериш.

5. Муаммони ҳал этиш учун (ёки ўз жавобларининг тақдимотини ўтказишлари) учун ўқувчиларга вақт бериш.

6. Барча тахминий ечимларни. жавобларни муҳокама қилиш.

7. Ўқувчилардан мисол билан ишлаш жараёнида нималарни ўрганганликларини айтиб беришлари сўралади.

8. Машғулот ҳақида фикр билдириш.[1]

"Соғлом авлод тарбияси"

"Публицистик услуб" мавзуси тушунтирилаётганда қўлланилади.

. . . Ҳаёт гўзал, яшаш мароқли. Бироқ инсон учун энг азиз бўлган умр қисқа. Шу боис бўлса керак, инсон борки, ҳамма вақт имкон қадар бу дунёнинг гўзалликларидан кўпроқ баҳра олишга, у инъом этган лаззатлардан татишга интилиб яшайди. Бу истак эса баъзида одамзодга бахт келтирса, баъзан шу кимса умрини хазон ҳам қилади. Инсониятнинг энг заиф томони ҳам шунда, менимча. Зеро, у амал қилаётган кўплаб зарарли одатларнинг охир-оқибатини билса-да, уни такрорлашдан ўзини тиёлмайди.

Бугун ёшлар орасида оммалашиб бораётган чекиш одати ҳам айни юқоридаги фикримизга далил. Эътибор берган бўлсангиз, ёшларимиз ружу қўяётган сигарета тутунлари ёмғир ёғиши олдидан қора булутнинг кўм-кўк беғубор осмонни қоплагани сингари тобора фарзандларимизнинг катта қатламини ўз исканжасига олмоқда.

Юртимизда соғлом авлод тарбиясига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор берилаётган бир пайтда келажагимиз ворислари бўлган ўғил-қизларимизнинг бу қадар ўзларини заҳарлашларига нима сабаб бўлмоқда?

Айтиш жоизки, фарзандларимизнинг хар қандай иллатга ружу қўйишларида, аввало, ота-она, маҳалла-кўй, бир сўз билан

---

[1] Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Падаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: 2008. "Истеъдод" жамғармаси. 113-б.

айтганда, ўзимизнинг билиб-билмай қилган хатти-ҳаракатимиз бош омил бўлиб хизмат қилади.

«Маърифат» газетасидан.

1-гурух

Муаммо тури	Муаммоли вазият келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш
1. Инсоннинг заиф томони борлиги. 2. Ёшларни чекишга ўрганаётгани. 3. Тарбия бузилаётгани.	4. Иродасининг бўшлиги. 5. Чекиш-зарарли эканлигини англамаётгани, дунёқараш торлиги. 6. Ота-она, педагог, маҳалла-куй эътибор қаратмаётганлиги.	7. Иродаси бут қилиб тарбиялаш лозим. 8. Чекиш зарари ҳақида уқтириши керак. 9. Ота-она, педагог, маҳалла ҳамкор ишлаши даркор.

2-гурух

№	Муаммо	Муаммоии келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиши
1	Дунё гўзалликлардан фойдалана олмаслиги	Вақтнинг қадрига етмаслиги	Вақтларни қадрига етиши, турли тадбирлар билан шуғулланиши керак
2	Ёшлар орасида зарарли одатларнинг кўпайиши	Нимага етакласа ўшангга қараб кетиши	Яхшига ёндашиш, ёмондан қочиш лозим

3	Келажак авлодларимиз ўзларини заҳарламоқда	Зарарли одатларнинг кўпайиши	Зарарли одатлардан воз кечишига ота-онаси, коллеж ва маҳалла раислари нинг масъуллиги

3-гуруҳ

Муаммо	**Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари**	**Вазиятдан чиқиши**
Одамларнинг соғлик кадрига етмаётганлиги	Зарарли одатларга ружу қўйишдан	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш
Ёшлар сигарета чекмоқда	Катта ёшдаги одамлар истеъмол қилаётгани	Катта ёшдаги одамлар яхши фазилатлари билан ёшларга ўрнак бўлмоги керак
Ота-оналарнинг бефарқлиги	Болалари учун одоб-ахлоқ меъёрларини тушунтира олмаётганликлари	Ота-она, педагог, маҳалла ҳамкорликда ишлаши

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ДАРС УСУЛИ

Ўқувчиларга қуйидаги матн ўқиб эшиттирилади.

Йигит-қизлар тарбияси

Одам боласи инсоний гўзаллик учун курашиши, шу олий мақсад сари доимо интилиши лозим. Чунки инсонга ҳақиқий ҳуснни инсоний хулқ – атвор, инсоний фазилат беради. Бундай гўзаллик инсон тириклигида ҳам, дунёдан ўтганда ҳам, унинг айнимайдиган ҳусни, абадий сиймоси бўлиб қолади. Шунинг учун А. П. Чехов: "Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам", – деган эди. Қоғоз гулни ҳеч ким димоғига келтириб ҳидламайди, тутмайди. Чунки унинг ҳиди йўқ, чаккасига тақмайди – нафосат йўқ. Лекин нашъалари балқиб турган энг оддий гулни ҳам одам севади, ҳидлайди, ардоқлаб, чаккасига тақади. Донолар айтадиларки: "шарму ҳаё ниқобидаги чеҳра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарга ўхшайди".

Қизлар ҳамиша чиройли бўлишни истайдилар, аммо чирой, ҳусн, ёшлик ҳамишалик эмас. Шу боис гўзал ҳусн ҳамиша ҳам бахт-толеъга кафил бўлолмайди. Қиз боланинг бахти учун ҳусн-чиройдан ташқари ақл-идрок, ҳаё, иффат, дид-фаросат, одоб, уқув ҳам мужассам бўлмоғи лозим. Чумки жамиятда ҳам, оилада ҳам, бола тарбиясидан тортиб, кишилар билан муомала – муносабатда ҳам қизларнинг – бўлғуси оналарнинг ҳусни, келишган қадди-қомати эмас, кўпроқ ақл-идроки, уқувлилиги, ижобий хулқи қадрланади.

Қиз ҳам, йигит ҳам ёмон ёки яхши бўлиб туғилмайдилар, уни ёмон қилган ҳам, яхши қилган ҳам тарбиядир. Йигитлар қизларнинг фақат чиройи учун эмас, балки дилдорлиги, лобарлиги ва назокати учун ҳурмат қилиб, севадилар. Чунки назокат ички гўзалликдир. Бу хислатларнинг барчаси оилада тарбияланади.

Кийиниш-маънавиятнинг бир қирраси. Қандай кийиниш ҳар бир инсоннинг ўз шахсий диди, маданий савиясига боғлиқ. Либоси, кийиниши орқали инсон атрофдагиларга ўзи нимага ҳавас қилаётгани тўғрисида маълумот тарқатади. Инсонларнинг

кийиниш маданияти ва муомала одобида миллатнинг қиёфаси кўринади. Кийим танлаётганда инсонни шу либос олдида тўхтатган куч – фикр, тушунча ва унда шаклланган дид ҳисобланади.

Кийинишда замонавийлик, миллийлик каби жиҳатлар баробарида унинг қулайлиги, кўркамлиги, иқлим шароити ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши лозим. Қалбида чинакам ғурур, ор ва масъулият ҳисси бўлмаган инсонлар ўзини жимжимадор буюмлар, турли тақинчоқлар орқали намоён этишга интилади.

Халқимизда: "Кийимга қараб кутиб, ақлига қараб кузатадилар", – деган нақл бежиз айтилмаган. Биз аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган, интилиб яшаган, гўзал ахлоқи, юксак маданиятли, фаҳм-фаросатли инсонлар жамиятини қуриш учун масъулмиз.

Матн ўқиб эшиттирилгач, мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Сўнг гуруҳ жинсига кўра иккига бўлинади: йигитлар ва қизлар.

Уларга шундай савол билан мурожаат этилади.

Ҳозирги кунда айрим қизлар ва йигитларнинг хатти-ҳаракатига қандай баҳо берасиз?

Бунда "Танқидий тафаккур", "Нуқтаи назаринг бўлсин", "Нима яхши-ю, нима ёмон?" ҳамда Кейс стади усулларидан фойдаланиш мумкин.

Йигитлар фикри		**Қизлар фикри**	
Қизлар		***Йигитлар***	
Яхши	***Ёмон***	***Яхши***	***Ёмон***

Ёзув тахтасида ўз фикрларини ифода этадилар. Демак, қизлар йигитларнинг, йигитлар қизларнинг яхши ва ёмон жиҳатини айтадилар.

Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини баён этиши лозим. Фикрлар таҳлил этилгач, ўқувчилар ёзув тахтасидаги маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар, ўз ва кўчма маънодаги сўзлар топиб, дафтарларига ёзадилар.

Муаммоли таълим

Ўқувчилар орасида муаммоли вазиятни яратиш учун "Муаммоли дарс" усули қўлланилади. Бундай усул ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради.

Жалолиддин Румийнинг "Ичингдаги ичингдадур" асаридаги қуйидаги ҳикоят келтирилади.

Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ ўғлини ҳунармандлар тўпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай ахмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига "Бунда не бор?" дебди. Бола "Қўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир" дегач, ҳукмдор ҳайратда қолиб, "Аломатларини тўғри айтдинг, исмини айт" деб буюрди. Ўғил "Ғалвир бўлса керак" деб жавоб беради. Подшоҳ "Олган таҳсилинг шарофати билан мени ҳайрон етиб аломат – белгиларини аниқ айтдинг – у, аммо ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслиғига қандай қилиб фаросатинг етмади?" – деди афсус чекибди.

Подшоҳнинг ўғли ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаган. Лекин дунёқараш торлиги, фикрлаш қобилияти йўқлиги учун тўғри жавоб бера олмади. Бу ўринда беихтиёр Президентимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади: "Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди". Шундай экан, ўқувчининг онгини ривожлантириш, тафаккурнинг кенгайишида муаммоли таълимнинг ўрни беқиёсдир.

Бундан хулоса шуки, ўқувчилар ўрганган нарсаларини ифодалай олиши, у ҳақида ўз фикрларини баён этиши лозим. Ўқувчиларни мушоҳадага ундашда Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асаридан қуйидаги ҳикоятдан фойдаланиш мумкин.

Кўр, кар ва ялангоч.

Сабъа жуда катта шаҳар эди. Шунчалар катта эдики, бир товоқча келарди. . .

Саба шаҳри айни пайтда жуда улуғ, баҳайбат, азаматли шаҳар эди. Шунчалар баҳайбат эдики, гўё каттакон бир пиёздай...

Бу ғалати шаҳарда уч ғалати инсон яшар эди. Бири кўр, бири кар, яна бири эса ялангоч. Кўр узоқларни кўрар, кар жуда яхши эшитарди.

Бир куни учови бир жойда ўтиришганида, кўр:

– Қаранглар, узоқда отлиқлар келишяпти, уларнинг қайси қабилага мансублигини ва неча киши эканлигини кўряпман, – деди.

Кар:

– Ҳа, ҳа, мен овозларини эшитдим. Ҳатто нима деганларини айтишим мумкин, – деди.

Гапга ялангоч қўшилди:

– Агар бу ерга келишса, бизни ечинтириб қўйишади, деб қўрқяпман.

– Қаранглар, яқинлашиб қолишди. Қани, бўлинглар, улар келмасидан, бизни тутиб олмасидан, қочиб қолайлик, – деди хавотирланиб кўр.

Кар деди:

– Бўла қолинглар, дўстлар, шовқин борган сари яқинлашяпти, вақт борида жуфтакни ростлайлик.

Улар шаҳарни ташлаб қочишди. Ниҳоят, бир қишлоққа етиб келишди, У қишлоқда жуда семиз бир қушни топиб олишди. Қуш шунчалар яхши боқилган эдики, вужудида гўштдан асар ҳам йўқ эди. Ҳатто, суяклари ингичка индай эди.

Уч ўртоқ у қушни ейишди, қорни тўйган филлар каби семиришди. Шунчалар тўйиб ейишди, оламга сиғмай кетишди. Шунча шишганларига қарамай, бир эшикнинг тирқишидан ўтиб, бир уйнинг ичига киришди.

("Маснавийи маънавий", 3 – жилд, 2600 – байт).

Кўрқдилар, хуллас, шаҳардин кетдилар,
Бир йироқ қишлоққа чарчаб етдилар.

Боқ, неча бу йўлда карвонлар кетар,
Ул эшик тирқишидин бир – бир ўтар.

Матндан сўнг ўқувчиларга қуйидагича саволлар берилиб, муаммоли вазият яратилади?

– Матнда берилган Сабъа шаҳри нима?

– Кар, кўр, яланғочни қувлаган отлиқлар нима?

– Нима учун суяклари ингичка ипдай қушни еб фил каби семиришди?

– Улар тўйиб еган қуш нима эди?

Саволларга бирин-кетин жавоб берилиб, муаммони ҳал этиш йўллари очилади. Суҳбат-баҳсга, баҳс-мунозарага айланади. Ўқувчилар фикрларини эшитиб бўлгач, ўқитувчи Жалолиддин Румий фикрларини шарҳлаб тушунтириб беради.

Бунда Жалолиддин Румий айтишича, Сабъа шаҳри – инсон танаси; кар, кўр, яланғоч инсоннинг ёмон хислатлари. Уларни қувлаб келаётган отлиқлар "Маънавият" отлиқларидир. Улар еган ингичка ипдай қуш ғийбатдир. "*Ул эшик тирқишидин бир-бир ўтиши*" бу фоний дунёда қилган яхши ва ёмон ишларининг савол-жавобидир.

Муаммоли таълим технологиясини амалга оширишда ўқувчилар учун тайёрлаб қўйилган матн проектор орқали кўрсатилади. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади.

*Ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан муаммолар аниқланади ва уни ўқувчилар дафтарларига ёзадилар.

*Вақт тугагач, тайёрланган иш гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади.

*Гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолар ва уни ҳал қилиш йўллари аниқланади.

*Сўнгра бир гуруҳ, иккинчи гуруҳ ёзган муаммони аниқлаб, унинг тўғри ёки нотўғри эканлигига изоҳ берадилар.

Муаммоли таълим учун матнлар

Гўзаллик ва хунуклик

Бир подшоҳ иккита қул сотиб олди. Қуллардан бири чиройли, покиза, тишлари дурдек, нафаси гулдек муаттар, иккинчиси эса бадбашара, тишлари чириган, оғзи бадбўй эди.

Подшоҳ гўзал юзли қулга эҳсонлар қилди, сўнгра ҳаммомга юборди. Тишлари чириган, бадбўй оғизли қулни ёнига чақирди.

– Сен менга маъқул бўлдинг, аммо негадир шеригинг сен ҳақингда жуда ёмон гаплар айтди, – дея ҳаммомга кетган шеригининг ёмон хислатлари ҳақида сўради. Бироқ қул ўртоғининг устига гард юқтирмади. Аксинча, уни мақтай кетди:

– У доим тўғрисўз. Мен унингдек яхши одамни кўрмадим. Мендаги баъзи айб-нуқсонларни кўрган бўлиши мумкин, бироқ мен бундан бехабарман. Ҳамма аввал ўз қусурларини кўрса, уларни тузатишга ҳаракат қилади. Масалан, мен ўз юзимни ва юзимдаги кирни кўролмайман, бировнинг юзини эса кўраман.

Бу гапларга қарамай, подшоҳ қулнинг ҳоли-жонига қўймади:

– У сенинг кўп айбларингни айтиб берди. Сен ҳам унинг камчиликларини айтгинки, сенга бўлган ишончим ортсин!

Бироқ хунук юзли қул шериги ҳақида фақат яхши гаплар сўйлади. Подшоҳ қанчалар уринмасин, унинг оғзидан шериги ҳақида асло ёмон гап чиқмади.

Ниҳоят, иккинчи қул ҳаммомдан келди. Подшоҳ уни ҳам синаш учун ҳузурига чақирди, уни алқай кетди:

– Қушдай енгил бўл, нақадар зариф ва латиф бўлибсан. Кошки, нариги қул санаган ёмон феъларинг бўлмаса эди.

Бу гапларни эшитган қулнинг жаҳли чиқиб, ғазабланди ва шеригини ёмонлай бошлади. . .

Бироздан сўнг подшоҳ уни гапиришдан тўхтатди ва деди:

– Бас, етар, иккингизнинг ҳам аслингизни билиб олдим – унинг оғзи бадбўй, сенинг эса ичинг сасиб кетган. Бундан буён сен у тўғри сўзли ва гўзал ахлоқли қулнинг амридасан. Қани, жўнаб қол энди.

Мавлоно воқеа сўнггида қуйидаги ҳикматли сўзларни тақдим этади: ***"Гўзал ва чиройли юз ёмон феъл билан бирга бўлса, қалб бир чақага ҳам арзимайди.***

Кўзанинг шакли билан қачонгача чалғиб юрасан? Кўзанинг ташқи кўринишидан воз кеч, дарёга, сувга томон юр.

Шаклни кўрдинг, аммо маънодан гофилсан. Ақли расо бўлсанг, садафдан бир дур танлаб олиб чиқ"

("Маснавий маънавий", 2-жилд, 843-1015-байтлар).

Подшоҳнинг пушаймони

Илгари замонда овни жуда яхши кўрадиган бир подшоҳ бўлган. У подшоҳнинг лочини бўлиб, унинг парвози баланд, кўзи ўткир ва панжаси темирдек эди. Подшоҳ уни жуда севар ва доим ўз қўли билан боқар эди. Бир куни шоҳ уни қўлига қўндириб овга жўнади. Чўлда унинг олдидан бир оҳу қочиб ўтди. Подшоҳ унинг орқасидан шундай тезлик билан от чоптириб кетдики, мулозимлари орқада қолиб кетдилар. Подшоҳ жуда чанқаб, бир тоғдан оқиб тушаётган зилол сув ёнига келди. У шу сувдан ичмоқчи бўлиб, сувдонни тўлатган ҳам эдики, қуш қанот қоқиб сувни тўкиб юборди. Шоҳнинг жаҳли чиқиб, яна сувдонни тўлдирди. Бу дафъа ҳам лочин қаноти билан идишни ағдариб юборди. Подшоҳ дарғазаб бўлиб лочинни ерга уриб ҳалок қилди. Шу вақтда унинг бир мулозими келиб қолди. Подшоҳ унга деди: – Тоғдан тушаётган бу зилол сув томчиларидан сувдонни тўлиши учун анча вақт керак экан. Сен юқорига чиқиб булоқнинг ўзидан тезда сув олиб туш.

Мулозим тоққа чиқди. Қараса, у ерда кичкина бир булоқча бўлиб, унинг лабида бир ҳайбатли аждаҳо ўлиб ётган екан. Кун ҳарорати таъсир қилиб, ундан қатра-қатра заҳар сувга томаётган экан. Мулозим дарҳол тоғдан тушиб, кўрганларини подшоҳга айтиб берди. Шоҳ унинг сўзини эшитиб, йиғлай бошлади.

Мулозим сўради: – Йиғингизнинг сабаби нимадир?

Подшоҳ чуқур уҳ тортиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Мулозим деди: – Эй шоҳим, бу ишни шошилмай, ўйлаб қилишингиз керак эди.

Шоҳ деди: – Қилиб қўйган ишимдан ниҳоятда пушаймонман, лекин фойдаси йўқ. Ўлгунимча бу жароҳат кўксимдан кетмайди.

"Калила ва Димна" асаридан.

Ҳикоят

Араб подшоҳларидан бирига "Лайли ва Мажнун" қиссасини ҳикоя қилиб дедиларки, шунчалик етук фазлу камол эгаси бўлишига қарамай, саҳрога чиқиб кетган ва ақл жиловини қўлдан берган. Подшоҳ Мажнунни топиб келишни буюрди. Мажнунни топиб, ҳузурига келтиришгач, подшоҳ уни маломат қила бошлади: "Шарафли инсон руҳида қандай нуқсон кўрдингки, ҳайвонлар хусусиятини қабул қилиб, инсонлар суҳбатини тарк этдинг?" Мажнун деди:

"Дўстларим этди маломат ишқида чандон мени,
Боқмайин бир бора унга, топгали менга нажот.

Кошки дўстлар менга айб қўйганида,
Боқсалар бир бор юзингга, дилситон,

Кесгай эди сенга бўлиб маҳлиё,
Нок ўрнига қўлларини бегумон.

"Гулистон" асаридан

Баҳолаш усули

Ўқувчиларни баҳолашда қуйидаги усулдан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга рейтинг балл дафтар тутадилар ва уларни қуйидагича юритиб борадилар .

Она тили – 40 соат II семестр

	Сана	*Назарий савол*	*Амалий иш*	*Вазифа*	*Назорат иши*	*Ижодий иш*	*Мустақил иш*	*Жами балл*	*Ўқитувчи имзоси*
	02. 09	2			Б.Н -4	-	-	**6**	
	03. 09	-	-	5		-	-	**5**	
	09. 09	2	2	4		5	-	**13**	
	10. 09	-	3					**3**	

	16. 09	2		5			-	**7**	
	17.09		4			5		**9**	
	23.09			4	О.Н - 5			**9**	
	24.09	1	2					**3**	
	30.09	-		4				**4**	
0	07.10	5				4		**9**	
1	08.10			5				**5**	
2	14.10		5					**5**	
3	15.10			5				**5**	
4	21.10	4			О.Н - 5			**9**	
5	22.10		2			5		**7**	
6	28.10	5						**5**	
7	29.10			4				**4**	
8	04.11	1						**1**	
9	05.11		4					**4**	
0	11.10	5			Й.Н - 5		5	**15**	
	Жами	**27**	**22**	**36**	**19**	**19**	**5**	**128**	
	Р. сем	5							

1. Назарий савол – ўтилган мавзулар юзасидан савол-жавоб ўтказилади, ҳар бир тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади.

2. Амалий иш – ёзув тахтасида ёки хона дафтарларида бажариладиган машқ ва топшириқлар учун балл берилади.

3. Вазифа – уйга берилган топшириқларни қай тарзда бажарганлиги учун баҳоланади.

4. Назорат иши – бошланғич, оралиқ ва якуний назорат иш баҳолари рейтинг дафтарига қайд қилиб борилади.

5. Ижодий иш – ўқувчиларнинг бирор мавзу юзасидан ижодий таҳлили.

6. Мустақил иш – она тили фанидан бажарилган мустақил иш баҳоланади. Мустақил иш бажаришда ўқувчи ўз мустақил фикрларини билдириши лозим.

Жами балл миқдори маълум белгиланган миқдорга етганда ўқувчи синовдан ўтказилади.

Синов топшириқлари

40 балл – топшириқлар

50 балл – тестлар

60 балл – тезкор саволлар

70 балл – тарқатма саволлар

80 балл – бошқотирмалар

Ўқувчиларнинг умумий бали йиғилади ва гуруҳда ўринлар белгиланади. Бу мусобақа тарзидаги баҳолаш фақат бир гуруҳ ичида эмас, балки гуруҳлараро ҳам қизғин мусобақани юзага келтиради. Балларнинг умумий йиғиндисига қараб қайси гуруҳ она тили фанидан қай даражада ўзлаштирганини билиш мумкин.

Топшириқлар.

№ 1

Нуқталар ўрнига -ни, -нинг, қўшимчалардан мосини қўйинг.

Ҳийласи бир марта билиниб қолган болалар . . . ота-оналари, устоз-муаллимлари улар . . . яхши кўрмай қоладилар.

Ватан . . . онага, она . . . қуёшга ўхшатадилар.

№ 2

Қуйидаги сўзларнинг маънодошларини топинг.

Қуёш . . .

юрт . . .

моҳир . . .

севинч . . .

аёл . . .

№ 3

Қуйидаги сўзлар қайси сўз туркумига оид сўзлар ясайди?

Ёзиб тўлдиринг.

- ли:
- сиз:
- бе:
- чи:
- дош:
- ла

№ 4

Берилган гаплардаги келишик қўшимчасини кўмакчи билан алмаштиринг.

Китобни сизга олдим.

Чойни пиёлада ичди.

Лобар телефонда гаплашди.

Сурайё маълумотни интернетдан олди.

№ 5

Боғловчили қўшма гапни боғловчисиз қўшма гапга айлантиринг.

Офтоб сўнди ва уфқда қип-қизил шафақ ёнди.

Қиличнинг заҳри кетса ҳам, сўзнинг заҳри кетмас.

Беҳуда сўзлама, чунки беҳуда сўз бошга офат келтиради.

№ 6

Нуқталар ўрнига мазмун ва услуб талаб этган боғловчиларни қўйинг.

1. Мен шам.. у бир қуёшдир.

2. Ватанимиз бир осмон… биз уни безаган юлдузларимиз.

3. Ҳаёт талвасаси тинмагай… мангу боқий қолур инсон ва хаёл.

№ 7

Эргаш гапли қўшма гапларни содда гапга айлантиринг.

1. Шамол қаёқдан келса, ёмғир ҳам ўша ёқдан келади.

2. Менинг истагим шуки, бизнинг шу дўст-биродарларимиз халқларимиз дўстлигининг ҳам рамзи бўлсин.

№ 8

Содда гапларни эргаш гапли қўшма гапга айлантиринг.

а) Бўладиган бола ёшлигидан маълум.

б) Сўз билмаган ер – эл бошига ёв келтирар.

в) Фикри равшаннинг сўзи равшан.

№ 9

Қуйидаги бош гапларга уларнинг мазмунига мос эргаш гап қўшинг ва боғловчи, боғловчи воситалар билан боғланг.

1. Илтимосим сиздан шу.
2. Астойдил китоб ўқишга киришар эди.
3. Ўша инсон дунёда бахтли бўлади.

№ 10

Қуйидаги эргаш гапларга мос бош гап қўшинг. Боғловчи ва боғловчи воситалар билан боғланг.

1. Ким-ким ўз йўлини тўғри топса.
2. Орадан тўрт-беш соат ўтар – ўтмас.
3. Ҳар кимки вафо қилса.

№ 11

Мақол ва ҳикматларни давом эттиринг.

1. Тилнинг кўрки – сўз, киши . . .

(Ю.Х. Ҳожиб)

2. Тилга эътибор - . . . . . .
3. Тилингда бўлса болинг, ...

№ 12

Нуқталар ўрнига керакли унлини қўйинг.

З . . . мон, б . . . ҳор, п . . . лов, т . . . мом, манф . . . т, т . . . ллуқли, т . . . жжуб, г . . . вда, н . . . бат, в . . . фо, в . . . рақ.

№ 13

Нуқталар ўрнига ***х*** ёки ***ҳ*** ҳарфлардан мосини қўйинг.

Мар . . . амат, . . . ориж, . . . азил, . . . аракат, . . . аттот, зе . . . н, му . . . бир, .и . . лос, . . . удуд.

№ 14

Қайси сўзларга И-ИИ шахс қўшимчалари қўшилганда ***й*** товуши қўшилади.

сўра, сина, парво, авзо, тоқи, обрў, мавзе, ўқи, илиқ.

№ 15

Қуйидаги сўзлар ёнига мос сўзлар қўйиб жуфт сўзлар ясанг.

Йўл - . . . кирим . . . , темир . . . , меҳр . . . , узоқ . . . , ўйин . . . , куч . . . , ёр . . . .

№ 16

Нуқталар ўрнига тегишли тиниш белгиларни қўйинг.

Биз . . . Аҳрор иккаламиз . . . алламаҳалгача ухламай . . . онам ҳақида . . . уни хурсанд қилиш ҳақида гаплашиб ётдик . . . .

№ 17

Нуқталар ўрнига тегишли тиниш белгини қўйинг.

а) Икки дугонам . . . Лобар билан Назира бирга тўйга кетишди.

б) Телефон . . . жиринг . . . этса . . . юрагим . . . шув . . . этадиган бўлган.

№ 18

Шаклдош сўзлар маъноларини ёзинг.

От , чанг , ёз, боғ, Қирқ , қўй

№ 19

Пароним сўзлар жуфтини топинг.

Арқон - . . .	адиб - . . .
афзал - . . .	аср - . . .
шеър - . . .	дипломат - . . .

№ 20

Гаплардаги синтактик алоқа воситаларини топинг.

а) Сиддиқжон этагини қоқиб ўрнидан турди-да, жадаллаганча кўча эшигига қараб кетди.

(А. Қаҳҳор)

б) Мен бир куй тўқиган ‘дим, билмадим, меҳмонларга маъқул бўладими, йўқми?

(Ойбек)

Т е с т л а р.

1. Полилог нима?

а) бир кишининг ўзига тегишли нутқи.

б) икки кишининг суҳбати.

д) бир неча кишилар орасидаги суҳбат.

2. Қўшимча қўшилганда "қ ғ"га айланадиган сўзлар қаторини топинг.

а) иштиёқ, ҳақ, қўшиқ;

б) қўшиқ, ҳуқуқ, ўртоқ;

д) ўртоқ, қўшиқ, тарок;

3. Қайси сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда товуш тушиш ҳодисаси рўй беради?

а) ток, барг, сингил;

б) опа, солиқ, қадах;

д) оғиз, ўғил, шаҳар;

4. Мен, сен олмошларига –ни, -нинг, -ники қўшимчалари қўшилса қайси ҳодиса рўй беради?

а) товуш алмашиш;

б) товуш тушиш;

д) товуш орттирилиш;

5. Маънодош сўзлар берилган қаторни топинг.

а) чой, бой, ой;

б) иноқ, аҳил, тотув;

д) от, гул, сифат;

6. Қайси қаторда ибора берилган?

а) балиқ сув билан тирик

Одам эл Билан;

б) Бирни беров беради

Кўпни меҳнат.

д) Бир ёқадан бош чиқариб ишламоқ.

7. Қайси сўзларни кўчма маънода қўллаш мумкин.

а) дарахт, шамол, сув;

б) ақлли, қувноқ, ручка;
д) кўз, бош. асир;

8. Шаклдош сўзлардан қайси шеърий жанрда фойдаланилади
а) газалда;
б) туюқда;
д) достонда;

9. Тил ва тафаккур қандай ҳодиса?
а) тил шахсий ҳодиса;
б) тил ва тафаккур – ижтимоий ҳодиса;
д) тил ва тафаккур – шахсий ҳодиса;

10. Кўмакчилар қайси жавобда берилган?
а) ва, аммо, ёхуд;
б) билан, каби, учун;
д) фақат, ахир, ҳатто;

11. Бириктирув боғловчилари қайси қаторда кўрсатилган?
а) ва, ҳам, ҳамда;
б) билн, учун, ҳақида;
д) ё, ёки, ёхуд;
12. Тенг богловчилар ишлатилган гапларни аниқланг.
а) Коинот илми кўпчиликни қизиқтиради, чунки у кишини ажойиботлар оламига олиб боради.;
б) Бу гаплар сен учун аталган;
д) Дилшод семинар машғулотига етиб келди, аммо машғулотга тайёргарлиги йўқ эди.

13. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро бириктирувчи воситалар қайси қаторда тўлиқроқ акс этган?
а) Боғловчилар.
б) Юкламалар.
с) Боғловчиалр, айрим феъл шакллари, юкламар, оҳанг.
д) Феълнинг шарт майли, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари.

14. **Шу пайт тўсатдан кўча эшиги шарақлаб очилди-ю, Зуннунхўжа ҳаллослаганча кириб келди.**

Ушбу мисол боғланган қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

а) Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап;

б) Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап;

с) Айирув муносабатли боғланган қўшма гап;

д) Инкор муносабатли боғланган қўшма гап;

15. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап қайси қаторда берилган?

а) Азиз Камолов минбарга кўтарилди ҳамда таъсирли нутқ сўзлади.

б) Сув келди – нур келди;

с) Баҳайбат фил хартумини сувга солиши билан сувдаги тўлин ой бирдан қалқий бошлади;

д) Мен шундай секин сўзлайманки, ҳеч ким эшитмайди.

16. Эргаш гапнинг қайси турида бош гапнинг кесими кўрсатиш олмош билан ифодаланади?

а) Эга эргаш гапларда;

б) Кесим эргаш гапларда;

с) Тўлдирувчи эргаш гапларда;

д) Натижа эргаш гапларда.

17. Ҳар кимки ўзига эҳтиёт бўлса, бировни ўғри тутмас.

а) Натижа эргаш гапли қўшма гап;

б) Сабаб эргаш гапли қўшма гап;

с) Шарт эргаш гапли қўшма гап;

д) Эга эргаш гапли қўшма гап;

18. Эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

а) Қаерда дўстлик бўлмаса, шу ерда ишнинг ривожи ҳам бўлмайди;

б) Муҳаббат эски нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилайди;

с) Орзулар буюкдир, умрлар қисқа;

д) Йўқолган моддий бойликнинг ўрнини тўлдириш мумкин, маънавий бойликдан жудо бўлиш – улуғ фожиа.

19. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

а) У тарихчилар, шоирлар, адабиётшунослар, табиблар, бинокорларни ўз атрофига йиғди;

б) Йигитлар юзларини бекитса ҳам, қумлар юзларига қадаларди;

с) Одатим шу: чала ишни ёмон кўраман;

д) Уйдагилар нимани буюрса, шуни бажар.

20. Тўсиксиз эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда берилган?

а) Одамларда инсоф, иймон, эътиқод, мулкка эгалик ҳуқуқи бўлса, жиноятга ўрин қолмайди;

б) Байтни ўқиб берганимда, уни ҳеч ким шарҳ қилолмади;

с) Мол кетса кетсинки, бош кетмасин;

д) Ҳунар ёддан чиқмайди, лекин нозик томонлари унутилади.

21. Пайт эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

а) Саида бир лаҳза нафаси ичига тушиб, ноқулай аҳволда қолди;

б) Агар одамлар чекмай қўйсалар, рак касали уч ҳисса, юрак касали тўрт ҳисса камайган бўларди;

с) Инсон ўзи ҳақида қанчалик кам ўйласа, у шунчалик бахтлироқдир;

д) Бўрон бўлса, зўр денгизлар чайқалар.

Тезкор саволлар

1. Нутқ товушларини ўрганувчи бўлим?

(Фонетика)

2. Бутунни қисм билан ёки қисмни бутун билан ифодалаш ҳодисаси.

(Синекдоха)

3. Шакллар бир хил, мазмунан турли хил сўзлар.

(Шаклдош сўзлар)

4. Эскирган сўзлар.

(Архаик сўзлар)

5. Янги қўлланган сўзлар.

(Неологизмлар)

6. Сўз ўзакларига ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан ясалган янги сўз.

(Негиз)

7. У сўроқ, таажжуб, чегаралаш, кучайтирув каби маъноларни ифодалайди.

(Юклама)

8. Маълум мақсад ёки фикрни содда, қўшма ёки мураккаб гаплар орқали ифодалаган яхлит нутқ бирлиги.

(Матн)

9. Маълум фикр ифодалаган, грамматик жиҳатдан шаклланган сўз ва сўзлар бирикмаси.

(Гап)

10. Сўзларнинг маъноси ва грамматик хусусиятларига кўра турларга бўлиниши.

(Сўз туркумлари)

11. Турли сўз туркумлари ўрнида алмашиб келадиган сўз туркуми.

(Олмош)

12. Суйдирадиган ҳам тил

(Куйдирадиган ҳам тил)

13. Тўғри талаффузни ўрганувчи бўлим.

(Орфоэпия)

14. Сонор (овоздор) товушлар.

(м, н, нг, л, р)

15. Бир коса сув ичдим. Маъно қандай кўчган?

(Метонимия)

16. Бировнинг айнан келтирилган гапи.

(Кўчирма гап)

17. Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан боғланишидан нима ҳосил бўлади?

(Қўшма гап)

18. Экан, эмиш, эди қандай феъл?

(Тўлиқсиз феъл)

19. Ҳам феъллик, ҳам равишлик белгиларини билдиради.

(Равишдош)

20. Сўзловчининг хабарга бўлган муносабатини ифодалайди.

(Модал сўзлар)

Тарқатмалар

№ 1

1. Фикрлаш билан сўзлаш ўртасида қандай боғлиқлик ва фарқ бор?
2. Нутқий фаолият деганда нимани тушунасиз?

№ 2

1. Фонетика нимани ўрганади?
2. Сонор (овоздан) товушларни санаб беринг.

№ 3

1. Шовқинлилар овоз иштирокига кўра неча турга бўлинади?
2. Сиргалувчи ундошлиларни сананг.

№ 4

1. Ундош товушларга таъриф беринг.
2. Асос ва қўшимчалар имлоси ҳақида сўзланг.

№ 5

1. Товуш тушиши, товуш ўзгариши, товуш орттирилишига мисол келтиринг.

2. Унлиларга таъриф беринг.

№ 6

1. Қўшма ва жуфт сўзлар имлоси ҳақида сўзланг.

2. Тиниш белгилар имлоси.

№ 7

1. Ўзида бор одам билар: Сўз – ақл.

Бу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

2. Сўзнинг лугавий ва грамматик маъносини айтиб беринг.

№ 8

1.Полисемия нима?

2. Маънодош сўзларга мисол келтиринг.

№ 9

1. Пароним сўзлар ҳақида сўзланг.

2. Ижобий ва салбий бўёқдор сўзлар.

№ 10

1. Синтактик алока воситаларини айтинг.

2. Боғланган қўшма гап боғловчи воситалари ҳақида сўзланг.

№ 11

1. Нега эргашган қўшма гап дейилган ?

2. Нутқ услублари ҳақида сўзланг.

№ 12

1. Матн турлари ҳақида гапиринг.

2. Боғловчисиз қўшма гапларнинг богланиши нимада?

№ 13

1. Матнни кенгайтириш ва қисқартириш йўлларини айтинг.
2. Эргаш гап турлари ҳақида сўзланг.

№ 14

1. Эргашган қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар ҳақида сўзланг.
2. Матн тузиш ва матн устида ишлашнинг фарқли ва ўхшаш томонларини айтинг.

№ 15

1. Мураккаб қўшма гаплар.
2. Ибораларга мисол келтиринг.

№ 16

1. Кўчирма гапли қўшма гапларга таъриф беринг.
2. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзларга мисол келтиринг.

№ 17

1. "Тире" қандай ҳолларда қўлланади?
2. Қўш ундошли сўзлардан айтиб беринг.

№ 18

1. Қисқартма сўзлар имлоси ҳақида сўзланг.
2. Жуфт сўзларга мисол келтиринг.

№ 19

1. Қаратқич келишигининг шаклларини мисоллар билан тушунтиринг.
2. Эгалик қўшимчаларига таъриф беринг.

№ 20

1. Диологик матн ҳақида сўзланг.
2. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга мисол келтиринг.

№ 21

1. Тавсифий матн ҳақида сўзланг.
2. Шарт эргаш гапли қўшма гапга мисол келтиринг.

Бош қотирмалар

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, мавзуни мустаҳкамлаш учун ақлни чархловчи "Кроссворд" ўйин усулидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади ва ижобий самарадорликка эришилади. Аслини олганда, кроссворд ечиш янгилик эмасга ўхшайди. Бироқ уни ҳар бир фан ўз нуқтаи назаридан ўрганса ва амалиётга татбиқ этса, албатта ўқувчи фаоллиги ошади, уларнинг тафаккури ривожланади. Жумладан:

№ 1. **"З и н а п о я"** кроссворди



1. Шева ва турғун бирикмаларни ўрганади.

2. Сўзнинг лугавий маъноси, сўзнинг шакл ва маъно муносабати ўрганилади.

3. Тиниш белгиларни ишлатиш қоидаларни ўрганади.

4. Сўз шаклларини ўрганади.

5. Ўзак ва қўшимчалар ўрганилади.

6. Сўз бирикмаси ва гап ўрганилади.

7. Нутқ товушлари ўрганилади.

8. Ҳарфлар тизими ўрганилади.

“Ўйлаб топ” бошқотирмаси.

№ 2 (Сўзлар тўғри қўйилса –ХИВ яшаган шоир номи намоён бўлади.)



1. Бутунни қисм билан ёки қисмни бутун билан ифодалаш.

2. Товушлари ва таркиби ўхшаш, маъноси бошқа сўзлар.

3. Мустақил сўз туркуми.

4. Нутқ қаратилган шахс ёки ёки предметни ифодалаган сўз ёки сўз бирикмаси.

5. Сўз ўзакларга ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан ясалган янги сўз.

6. Сўзловчининг хабарга бўлган муносабатини (Ишонч, шубҳаси . . .) ифодалайди.

7. Иш – ҳаракатнинг номини кўрсатувчи феъл шакли.

8. Эски, аммо ҳозир маълум мақсадда қўлланадиган сўзлар.

№ 3 “Матонат” бошқотирмаси



1. Нисбий ўхшашликка эга бўлган икки предметдан бирининг номи билан иккинчисини аташ; ҳодисаси;

2. Зидлов боғловчиси.

3. Эди, эмиш, экан, эса лар нима деб аталади?

4. Турли сўз туркумлари ўрнида алмашиб келадиган мустақил сўзлар.

5. Янги қўлланган сўзлар.

6. Эскирган сўзлар.

7. Товушларнинг нутқдаги ифодаси.

№ 4 Қуйидаги берилган топшириқни бажарсангиз Ф. Атторнинг ибратли сўзини ўқийсиз.

1. 2. 3. 4. бўлгил, 5. ахий

Токи инг 7 да бўлсин 8
(Ф. Аттор)

1. Ёқимли сўзининг маънодоши.

2. Тугалланган оҳанг билан айтилади.

3. Юклама.

4. Чиройли сўзининг маънодоши. (қўшма сўз)

5. Ундов сўз.

6. Исм сўзининг маънодоши.

7. Очун сўзининг маънодоши.

8. Қўли очиқ сўзининг маънодоши.

№ 5. Топшириқни бажариб Э. Воҳидов сўзини ўқинг.

1. 2. 3. 4. дур 5.

6. 7 8 иман.
(Э. Воҳидов)

1. Кишилик олмоши.

2. "Улуг" сўзининг маънодоши.

3. "Ватан" сўзининг маънодоши.

4. Жинс номи.

5. И шахс бирлик эгалик қўшимчаси.

6. Кишилик олмоши.
7. Дунё сўзининг маънодоши.
8. Бола сўзининг маънодоши.

Бошқотирмаларжавоби.

№ 1. . **"Зинапоя"** кроссворди.
1. Диалектология
2. Лексикология
3. Пунктуация
4. Морфология
5. Сўз таркиби.
6. Синтаксиз.
7. Фонетика.
8. Графика.

№ 2. 1. Синекдоха
2. Пароним
3. Равиш
4. Ундалма
5. Негиз
6. Модал сўзлар
7. Ҳаракат номи
8. Тарихий сўзлар.

Шоирнинг номи – Хоразмий.

№ 3. **"Матонат"** кроссворди.
1. Метафора, 2. Аммо, 3. Тўликсиз феъл, 4. Олмош, 5. Неологизмлар, 6. Архаик сўзлар, 7. Талаффуз.

№ 4. Хуш гап-у. хушчехра бўлгил, эй ахий,
Токи номинг дунёда бўлсин сахий.

Ф. Аттор.

№ 5. Мен буюк юрт ўғлидурмен,
Мен башар фарзандиман.

Э. Воҳидов.

Модулли дарслар ташкил қилиш методикаси

Маълумки, тафаккур ўстириш ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади. Ўспирин ёшида ўқувчилар тажрибага эга бўлган, хулоса чиқаришни, мулоҳаза қилишни, ажратиш ва бирлаштиришни анча ўрганган бўладилар. Ўқитувчининг бу вақтдаги хизмати шундай бўлиши керакки, у ўқувчиларни мантиқий тўғри фикр юритишга ўргата олиши, берадиган топшириқлари мустақил ишлашга ундайдиган бўлиши лозим. Педагог бизнинг дастуримиз билан ишлаганда беш босқичли анъанавий дарс ўтиш усулидан воз кечиши ва, айниқса, абстракт фикрлашга ўргатиши талаб этилади. Абстракт фикрлаш, фантазия ҳосил қилиб, мулоҳаза юритиш ҳам ўқув ишларининг самарали бўлишини таъминлайди.

Ўқувчиларга бериладиган топшириқлар мантиқий фикр юритиш малакаларини эгаллашга чорловчи бўлиши, фалсафий фикрлашга асосланиши лозим. Педагог ўқувчи тафаккурини ўстириш учун уларнинг ўзларини ишлата билиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун саволни тўғри қўя билиши, йўналтиришни уддалаши, ўйлашга мажбурлаш, далилларни излаб топишга одатлантириш, зид фикрни айтмасликка ўргатиш талаб қилинади.

Тавсия этилган дастур асосида дарс берган педагог ўқувчининг интеллектини, қобилиятини, унинг фаоллик даражасини билиши ва шунга асосланиб иш кўриши талаб этилади.

Академик лицейлардаги ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш, уни ривожлантиришни амалга ошириш учун модулли дарс ишланмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Назарий билимларини амалиётда қандай бажариш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида «бутун-бўлак» муносабатларини ўқувчиларга тушунтириш бўйича модулли дарс ишланмаси таклиф этилади.

Модулли дарсларни ташкил қилиш учун ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Ўйин бир-бирига боғлиқ бир неча мустақил қисмлардан иборат бўлган бутунликдир. Шунинг учун ҳам биз дарсни ана шундай қисмларга бўлиб оламиз. Биринчи қисм

«ғалвир» деб номланади. Бунда ҳар бир ўқувчига биттадан ёки 2 ўқувчига биттадан қуйидагича боғланишли матннинг қисмлари (гаплар) тавсия қилинади:



1-расм

4.1-расмдаги чизмада кўрсатилган 1-шарт, 2-шарт, а-гап, б-гап, в-гаплар ҳар бир ўқувчи учун алоҳида-алоҳида бўлади. а,б,в. гапларнинг фақат биттаси қўйилган икки шартга жавоб беради. қолган икки гап эса қўйилган шартлар талабига жавоб бермагани учун "ғалвир"дан (пастга) «тушиб колади». Унинг устида қолган гап ўйиннинг 2-қисмида иштирок этади. Бу қисм **занжир** деб юритилади. «ғалвир» устида қолган гаплар занжирнинг ҳалқалари эди. Ҳар икки гуруҳ вакиллари ўзларига берилган гапларни тартиб билан қўйиб, матн тузадилар. Кўриниб турибдики, "Ғалвир" устидаги гаплар тасодифий гаплар бўлмай, бир матннинг қисмлари ҳисобланади, яъни бутун бўлакларга ажратилган эди(фалсафий категория). Шунинг учун бундай модулли ўйин дарсларини ташкил қилувчи ўқитувчи дастлаб маълум сюжетга эга бўлган икки матн танлайди, матндаги ҳар бир гапнинг шарти дарсда ўтилган грамматик қоидалардан келиб чиқиб белгиланиши ҳамда мантиқий фикрлашга йўналтирилган бўлиши шарт.

Масалан,

1-гуруҳ учун матн:

Баҳор

Гўдак нафасидай ҳаётбахш фасл. Бир қарашда бу фаслнинг келишида бирор ғайриоддийлик йўқдай. Табиат ҳар доимгидек ўз иши билан машғул. Фасл алмашмоқда, холос. Ҳар йили шундай бўлади. Ҳар йили оппоқ қорлар остида мудраб ётган замин енгил шабададан уйғонади. Дарахтлар куртак ёзади, майсалар бўй чўзади. Чўққилар эгнини қоқади. Дара-сойлардан чуқурликка қараб мусаффо сувлар оқади. У йўл-йўлакай шалдир-шулдир қилиб уйғониш фасли келгани ҳақида хабар тарқатади. Тонглар гўдак нафасидай беғубор ва ҳаётбахш бўлади. Ҳадемай бутун олам гулларга бурканади.

Бироқ адирларга чиққанингизда бошингизни Она заминнинг кўксига қўйиб ётсангиз, унинг нафас олганини эшитасиз. Майсалар қиқирлайди. Насимлар қалбингизга илиқ чечакларини олиб киради. Айнан баҳорда оёғингиз остидаги момо ерни, майин тупроқни ёриб чиққанча дилдираб турган бойчечакни, томларидан қизғалдоқ ўсадиган қишлоқ уйларини ва соддагина дала одамларини қанчалик севишингизни англайсиз. Улкан шаҳарда қолган кўнглингизга яқин одамларни соғинасиз. Аслини олганда-ку, шу сархуш лаҳзада сизга бегона одамнинг ўзи йўқ. Гўёки кўнглингизни тоза сувга чайиб олгансизу, унга эзгулик уруғидан бошқа нарса қолмагандай. Урушлар, низолар, аразлар... барча-барчаси майда ва ўта арзимас нарсалардай кулгули туюлади.

Қалбингизни юксакликка чорлаган, унга эзгу туйғуларни ато қилган мана шу уйғониш фасли бўлади. Сиз эзгу ниятлар оғушида кўчат экасиз-боғ бўлади. Вақти келиб унда мевалар, сабзавотлар етилади. Ва у келажак авлодларга мерос бўлиб қолади.

Юқорида берилган матн асосида кўрсатилган чизмага тушувчи саволлар тузилади:

1.**1-шарт.** Гап чизмаси . . . ___-------тарзида бўлсин.

2-шарт. Гап мазмунига кўра дарак гап бўлсин.

а) ҳадемай олам гулларга бурканади.

б) насимлар қалбингизга илиқ чечакларини олиб киради.

в) майсалар қиқирлайди.

2. **1-шарт.** Гапда 8 та келишик ҳамда 5 та эгалик қўшимчаси бўлсин.

2-шарт. Содда гапдан иборат бўлсин;

а) аслини олганда-ку, шу сархуш лаҳзада сизга бегона одамнинг ўзи йўқ.

б) табиат ҳар доимгидек ўз иши билан машғул.

в) айнан баҳорда оёғингиз остидаги момо ерни, майин тупроқни ёриб чиққанча дилдираб турган бойчечакни, томларидан қизғалдоқ ўсадиган қишлоқ уйларини ва соддагина дала одамларини қанчалик севишингизни англайсиз.

3. **1-шарт.** Бириктирув муносабатли қўшма гап бўлсин.

2-шарт. Гап чизмаси ___ ва___ тарзида бўлсин.

а) дарахтлар куртак ёзади ва майсалар бўй чўзади.

б) чўққилар эгнини қоқади.

в) тонглар гўдак нафасидай беғубор ва ҳаётбахш бўлади.

4. **1-шарт.** Гапнинг чизмаси ~~~~~ билан бошланган бўлсин.

2-шарт. Эгаси яширинган бўлсин.

а) ҳар йили оппоқ қорлар остида мудраб ётган замин енгил шабададан уйғонади.

б) улкан шаҳарда қолган кўнглингизга яқин одамларни соғинасиз.

в) сиз эзгу ниятлар оғушида кўчат экасиз, боғ бўлади.

5. **1-шарт.** Уюшиқ бўлаклар иштирок этган бўлсин.

2-шарт. Таркибида отдан сифат ясовчи қўшимчали сўз иштирок этсин.

а) урушлар, низолар, аразлар ... барча-барчаси майда ва ўта арзимас нарсалардай кулгили туюлади.

б) вақти келиб унда мевалар, сабзавотлар етилади.

в) ва у келажак авлодларга мерос бўлиб қолади.

6. **1-шарт.** Гапда жуфт сўз иштирок этсин.

2-шарт. Тасвирий ифода қатнашган бўлсин.

а) бироқ адирларга чиққанингизда бошингизни она заминнинг кўксига қўйиб ётсангиз; унинг нафас олганини эшитасиз.

б) дара-сойлардан чукурликка қараб мусаффо сувлар оқади.

в) у йўл-йўлакай шалдир-шулдир қилиб уйғониш фасли келгани ҳақида хабар таркатади.

Жавоблар:

1	2	3	4	5	6
а	в	а	б	а	в

2-гурух учун матн.

Меҳржон байрами

Ўзбек халқининг энг қадимги ва умри боқий сайлларидан бири Меҳржон байрамидир. Бу байрам ота-боболаримиз томонидан коинот ва табиат қонунларини, қуёш ва Ердаги муносабатларни тўла ўрганишлари натижасида вужудга келган. Куз фасли деҳқон ва чорвадор учун жуда масъулиятлидир. Хирмон кўтарилади, ҳосил йиғиш билан боғлиқ барча деҳқончилик, чорвачилик удумлари бажарилади. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний: «қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» замоннинг икки кўзидир», – дейди. У «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Меҳржон» сўзини «қуёш» ва «Жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин этади. Чунки қадимги аждодларимиз қуёшга сиғинганлар. Бу ҳақда юнон олими Геродот: «Халқимиз қуёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар», деб ёзган.

Бундай байрамлар киши кўнглига ўзгача завқ-шавқ, саодат бахш этади. Саодатли кунлар эса ҳар доим ҳам бўлавермайди. «Меҳржон» байрамини нишонлаш эса ҳақиқий одатимиз бўлиб қолаверади.

1.**1-шарт.** Гапнинг кесими сифат сўз туркумидан иборат бўлсин.

2-шарт. Таркибида шахс оти ясовчи қўшимча иштирок этган сўз қатнашсин.

а) Геродот: «Халқимиз қуёшни эъзозлайдилар», - дейди.

б) ўзбек халқининг энг қадимги ва умрибоқий сайлларидан бири Меҳржон байрамидир.

в) куз фасли деҳқон ва чорвадор учун жуда масъулиятлидир.

2. 1-шарт. Гап чизмаси: ___ ___ ..... ҳолда бўлсин.

2-шарт. Эга ва кесим шахс ва сонда мослашган бўлсин.

а) чунки қадимги аждодларимиз қуёшга сиғинганлар.

б) аллома «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Меҳржон» сўзини «Қуёш ва Жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин этади.

в) Қуёш ва Ердаги муносабатларни тўла ўрганишлари натижасида вужудга келган;

3. 1-шарт. Жуфт сўз қўллансин;

2-шарт. Таркибида олмош сўз туркуми ишлатилсин;

а) бу ҳақда юнон олими Геродот: «Халқимиз қуёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар», деб ёзган;

б) бу байрам ота-бобаларимиз томонидан коинот ва табиат қонунларини, Қуёш ва Ердаги муносабатларни тўла ўрганишлари натижасида вужудга келган;

в) хирмон кўтарилади, ҳосил йиғиш билан боғлиқ барча деҳқончилик, чорвачилик удумлари бажарилади;

4. 1-шарт. М: «К»,-м. чизмадагидек кўчирма гап қатнашсин.

2-шарт. Мавҳум от иштирок этсин;

а) буюк аллома Абу Райҳон Беруний: «қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир», – дейди;

б) Геродот: «Халқимиз қуёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар», – деб ёзган;

в) Хирмон кўтарилади, ҳосил йигиш билан боғлиқ барча деҳқончилик, чорвадорлик удумлари бажарилади;

5. 1-шарт. Қўшма гап бўлсин;

2-шарт. Ҳар икки кесим ҳам мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодалансин;

а) ўзбек халқининг энг қадимги ва умрибоқий сайлларидан бири Меҳржон байрамидир;

б) бу байрам ота-боболаримиз томонидан коинот ва табиат конунларини, қуёш ва Ердаги муносабатларни тўла ўрганишлари натижасида вужудга келган;

в) хирмон кўтарилади, ҳосил йиғиш билан боғлиқ барча деҳқончилик, чорвадорлик удумлари бажарилади;

6. 1-шарт. Фонетик ўзгаришга учраган сўз иштирок этсин;

2-шарт. Ўзаги олмошдан иборат бўлган равиш мавжуд бўлсин;

а) бундай байрамлар киши кўнглига ўзгача завқ-шавқ, саодат бахш этади;

б) «Меҳржон» байрамини нишонлаш эса ҳақиқий одатимиз бўлиб қолаверади;

в) саодатли кунлар эса ҳар доим ҳам бўлавермайди;

Жавоблар:

1	2	3	4	5	6
в	б	б	б	в	а

Ҳар икки гуруҳдаги ўқувчиларга (ёки икки ўқувчига) биттадан гап берилади. Ўйиннинг биринчи қисмини гуруҳ аъзолари мустақил бажарадилар. Иккинчи қисм «занжир» ҳисобланади, ҳар бир гуруҳ ўзаро бирлашиб, матндаги гаплар тартибини белгилайдилар, яъни қисмлардан (гаплардан) бутунлик ҳосил қиладилар. Ва ўз ўринларига кўра гапларни ўқийдилар, гаплар ўрнида чалкашлик бўлса, ўқитувчи томонидан тузатилади. Гуруҳ аъзолари матнни эшитганларидан сўнг ўқувчилардан фикр-мулоҳазалар сўралади. Ҳар икки гуруҳнинг фикр ва таклифи асосида матнга сарлавҳа қўйилади. Бу ном гуруҳнинг ҳам номи саналади. Масалан, **1-гуруҳ-Баҳор; 2-гуруҳ-Меҳржон.**

Ўйин охирида жонбозлик кўрсатган гуруҳ ва ҳар икки гуруҳдаги фаол ўқувчилар тақдирланади.

Юқоридагидек модул дарсларини бажариш давомида ўқувчилар мантиқ қонунларига амал қиладилар ҳамда умумийлик ва хусусийликни аниқлайдилар, бутун ичидан бўлакни ажратишни ёки қисмларни бутунга айлантириш йўл-йўриқларини амалиётда бажарадилар. Буларнинг барчаси тил таълимидан олинган назарий билимларни амалиётда синаш ва мустаҳкамлаш омили ҳисобланади. Бундай дарсларни ташкил қилиш жараёнида ҳамма тенг ишлайди, ҳамма фикрлайди, излайди, аниқлайди, топади, натижада тафаккури ривожланади. Биз юқорида матн устида ишлашда интерфаол усуллардан фойдаланиш йўл-йўриқлари бўйича тавсиялар бериб ўтдик. Энди модулли дарс

ишланмасини ахборот технологияларига татбиқ қилиш йўлларини тавсия этамиз.

Матн устида ишлашда ахборот воситаларидан фойдаланиш.

Компьютер дастури

Ҳозирда ҳар бир соҳада компьютер технологиясидан фойдаланиш амалий эҳтиёжга айланиб қолди. Тилшуносликда компьютер технологиясидан фойдаланиш бўйича назарий ҳамда амалий масалаларни ҳал қилишда Америкада К.Бернхарт, Буюк Британияда ДЖ.Лич, Россияда Ю.Н.Марчук, Л.Н.Беляева, Г.Г.Смирницкий каби олимлар иш олиб бордилар[4]. Худди шунингдек, тил ўқитишда ҳам ўқувчиларга компьютер дастурлари орқали билим бериш билан тафаккур ўстиришнинг турли хил усулларини амалга ошириш мумкин. Чунки улар бу усуллар билан ишлашда келтириб чиқаришни, ажратиб олишни, бирлаштиришни, асослаш ва исботлашни, умумий хулоса чиқаришни ўзлари амалда бажарадилар. Ана шуларни ҳисобга олиб биз ишимизда компьютер технологияси орқали ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаб олиш, назорат қилиб туриш ҳамда баҳолаш каби ҳолатларда унумли фойдаландик.

Бутунни бўлакка, бўлакни бутунга айлантириш мақсадида тавсия қилинадиган технологик усулни тажриба-синов тариқасида олиб бордик. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган ДТС ҳамда дастурий талаблар амалга оширилди. Бугунга келиб фан ва техника ривожланиши натижасида ЭҲМлардан фойдаланиш эҳтиёж даражасига кўтарилганлиги қувонарли ҳолдир. Чунки ўқувчилар ўз қизиқишлари асосида билим олса, тафаккур ривожланади, ўқувчи компьютер билан ишлаганда маълумот ва ахборотларни ўзи йиғади, уни қайта ишлайди, умумлаштиради, фарқлайди, шундан сўнг билимлар узатилади. Бу эса янги билимларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Ҳозирги ўзбек адабий тили таълими жараёнида

---

[4] Қаранг: Марчук Ю.Н. Применение ЭВМ в учебной лексикографии // Проблемы учебной лексикографии и обучения лексики. — М., 1978. — С. 161 – 168.

компьютерлардан фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга оширмоқ керак:

1. Берилган муаммоларни ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, ўқитувчи томонидан дарсларнинг модули ёзилади.

2. Муаммоларни қандай қилиб ҳал қилиш мумкинлигига асосланган усуллар танланади.

3. Ўқитиш методига мос алгоритмлар ёзилади.

4. Ўқувчилар тузилган дастур асосида ёзадилар, аниқлайдилар, ҳисоблайдилар ва таҳлил қиладилар.

Олимларимиз компьютер дастурларини уч турга бўлиб кўрсатадилар: а) амалий дастурлар-фойдаланувчи бевосита ишлаш учун мўлжалланган дастурлар; б) тизимли дастурлар-компьютерни бошқарувчи дастурлар; в) инструментал тизимли дастурлар-компьютер учун янги дастурлар тизимини таъминлаш[5].

Биз яратган дастур модулли таълим технологиясининг амалдаги кўриниши ҳисобланиб, ўқувчилар матн устида ишлаш жараёнида сўзларни тартиблайди, аниқлайди, қисмни бутунга айлантиради, бутунни яна қисмларга ажратади, бирлаштиради, саралайди; муаммони ўзи ҳал қилади, буларнинг барчасини амалга оширишда ақлий фаолият усуллари ишга тушади, натижада тафаккур ривожланади. қуйида матн устида ишлашнинг дастурлаштирилган лойиҳаси тақдим этилади.

«Матн устида ишлаш ва матн тузишга ўргатиш» дастуридан фойдаланиш

«Матн устида ишлаш ва матн тузишга ўргатиш» дастури DELPHI дастур яратиш мосламаси ёрдамида ёзилган бўлиб, WINDOWS тизимида ишлатилади ва сичқонча ёрдамида бошқарилади.

Дастурни ишга туширгандан сўнг ана шу дастурнинг асосий ойнаси чиқади, унда 3 та тугмача мавжуд. 1-гуруҳ аъзолари «ГУРУҲ-1» тугмачасини босиши керак. 2-гуруҳ аъзолари «ГУРУҲ-2» тугмачасини босишлари лозим. Дастурни ёпиш, тўхтатиш учун «Чиқиш» тугмачаси босилади.

---

[5] Тайлақов Н., Аҳмедов А. IBM PC комьютери. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. .30.



2-расм

Керакли гуруҳ танлагандан сўнг шу гуруҳга тегишли савол-жавоблар чиқади. Ҳар бир саволга 3 та жавоб берилади, шундан биттаси тўғри ва иккитаси нотўғри жавобдир. Тўғри жавоб танлангандан сўнг кейинги савол-жавобларга ўтилади. Жавобни танлаш учун ёнидаги рақами бор тугмачани босиш талаб этилади.



3-расм

Тўғри жавоблар йиғилиб борилади. Ҳар бир жавоб – битта тўлиқ гапдир. Ҳамма саволларга тўғри жавоблар берилгандан сўнг шу жавоблар битта рўйхат ичида чиқади. Лекин жавоблар кетма-кетлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Мантиқан тўғри матн чиқариш учун гапларни жой-жойига қўйиш керак. Шунинг учун ойначадан ўнг тарафдаги тугмачаларни босиш талаб этилади. Шу тугмачалар ёрдамида белгиланган қаторни тепага ёки пастга силжитса бўлади.



4-расм

Ҳамма гаплар ўзларининг жойига тушгандан сўнг, 2-ўйинга ўтилади.

2- ўйинда ҳар бир гуруҳдан бир киши танланиб, унга битта карточка берилади. Ушбу карточкада битта сўз ва битта рақам ёзилган бўлади. Бу сўзни фақат карточкани олган киши билиши шарт. Берилган карточкага қараб, у ерда кўрсатилган рақами бор тугмачани босиш керак.



5-расм

Рақамни танлагандан сўнг ойначанинг чап тарафида шу сўзга тегишли бўлган ва тегишли бўлмаган ҳар хил таърифлар пайдо бўлади. Рақами бор тугмачалар йўқолиб, ўрнига чапга ва ўнгга ўтказиш тугмачалари чиқади. Тугмачаларнинг остида танланган рақам ҳосил бўлади.



6-расм

Чапга ва ўнгга ўтказиш тугмачаларидан фойдаланиб, чап тарафдан фақатгина карточкада кўрсатилган сўзга тўғри келадиган таърифларни ўнг тарафидаги рўйхатга ўтказиш керак.

Бу ишни карточкани ўқиган киши бажариши лозим. Демак, сўзга тегишли бўлган таърифларни бутун рўйхатнинг ичидан ажратиш керак бўлади.



7-расм

Ҳамма тўғри таърифлар ўнг тарафда пайдо бўлгандан кейин ойначанинг пастида 10 та жавоб тугмачалари пайдо бўлади. Шу жавоблар ичидан фақат 1 таси тўғри ва қолгани нотўғридир.



8-расм

Тўғри жавоб танлагандан сўнг, ойнача экрандан йўқолади.

Дастур иккита алоҳида файлдан иборат. Бири дастурнинг ўзи бўлса, яна биттаси савол-жавоблар базасидир. Савол-жавоблар алоҳида файлда ёзилгани учун шу дастурни ҳар хил савол-жавоблар билан ишлатса бўлади. Ўқувчилар дастурдаги барча гапларни ўрганиб бўлганларидан сўнг нисбатан мураккаб саволларга ўтиш мумкин. Савол-жавоб базаси оддий матн сифатида ёзилган.

Хуллас, дастурда фалсафий қонуниятлар, мантиқий фикрлашлар ўз аксини топган бўлиб, улар орқали ўқувчилар тафаккури ривожлантирилади.

Дастур хулосаси сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Бизнинг дастуримиз билан ишлаган педагог беш босқичли анъанавий дарс ўтиш усулидан воз кечишлари талаб этилади.

2. Ўқувчиларга компьютер дастурлари орқали билим бериш билан тафаккур ўстиришнинг турли хил усулларини амалга ошириш мумкин.

3. Фалсафий фикрлашга оид талаблар ўқувчининг кенг фикрли, изланувчан, ҳукм ва хулосалар чиқара оладиган етук шахс бўлишларида аҳамияти катта. Чунки изланишга, топишга, ажратишга асосланган ҳар қандай фаолият самарали натижа беради. Грамматикага оид билим ва кўникмаларни тайёр ҳолда ўзлаштирмай ўзи изланса, топса, аниқласа, ижодий фаолият тўғри амалга ошади.

4. Ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш мақсадида компьютер дастуридан фойдаланиш, ҳар хил усул ва воситаларни амалиётда қўллаш дарс сифатини оширади.

5. Мазкур китобда тавсия этилган дастур ва дарс ишланмалари асосида мантиқий фикрлашга асосланган модулли дарслар ташкил қилиш ижодий изланиш ва тафаккур ўстириш учун хизмат қилади.

Илова

"Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар
Билим қайда бўлса, буюклик бўлар".

Юсуф Хос Ҳожиб.

Илм кўпга етказар, ҳунар эса кўкка.

Ўзбек халқ мақоли.

Биз ўз ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган вокеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

* * *

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

* * *

Инсон қалбига йўл, аввало таълим-тарбиядан бошланади.

* * *

Эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмайди.

* * *

Янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва максадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

* * *

Муаллим – миллатнинг юзи, Ватан истиқболининг асл бунёдкоридир.

И.А.Каримов.

Фикр – буюк куч. Тўғри фикрламоқ яратмоқ демакдир.

* * *

Ўрганиш – бу фаол жараён.

* * *

Қачон балиқ овига отлансам, ўзим хоҳлаган нарса ҳақида ўйламайман, аксинча, балиқ нимани истайди, шу ҳақда ўйлайман.

* * *

Кишиларнинг кичик бир ютуқларини ҳам қўллаб-қувватланг, ҳар бир муваффақиятига эътибор қаратинг. Баҳо беришда самимий, мақтовда сахий бўлинг.

Дейл Карнеги.

Агар бировга ниманидир шунчаки ўргатсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарса ўрганолмайди.

Бернард Шоу.

* * *

Тарбия – қийин иш ва унинг шарт-шароитларини яхшилаш – ҳар бир кишининг муқаддас бурчи.

* * *

Ўқиш – ўрганиш – ҳамкорликда ишлашдир.

Суқрот.

** *

Бирлашиш бошланишдир, бирликка эришиш тараққиётдир, бирликда ишлаш муваффақиятдир.

Америка мақоли.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2010.

3. Абдурахмонов Ғ, Рустамов Ҳ. Она тили. 11-синф дарслиги. - Т.: Ўқитувчи, 2004. Нашриёт – Матбаа ижодий уйи.

4. Azizxo'jaeva. N'N'Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. T. 2003.

5. Аҳмедова Г.М. Илғор педагогик ижодкорлик манба – бу педагогик тажрибадир// Таълим технологиялари. 2010. № 5.

6. Жалолиддин Румий "Ичингдаги ичиндадур" . - Т.: Янги аср авлоди. 2003 – йил.

7. Зиёдова Т, Холматова У.Н, Жуманиёзова Х.Т. Ўқитувчи китоби. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.

8. Ivanov P.I, Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. 2007-б. .

9. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Падаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: 2008. "Истеъдод" жамғармаси. 113-б.

10. Mahmudov N, Nurmonov A. va boshqalar. «Ona tili» 5-7-sinflar, 9-sinf.-T.: «Ma'naviyat», 2004-2006.

11. Mahmudov N. va boshq. 7-sinf uchun ona tili darsligi. T. 2005 yil.

12. Махмудов Н. Нутқнинг жўялилиги// Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 5.

13. Мусурмон Р. Ўринли сўз. "Шарқ юлдузи" журнали. 2013. № 3. 27-28-б.

14. Менглиев Б., Холиёров Ў. Она тили. Универсал қўлланма. – Т.: Академикнашр, 2011.

15. Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: Sharq, 2002.

16. Nurmonov A., Sobirov A., Uysupova SH. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Akademik litseylarning 2-bosqich talabalri uchun darslik. – T. : Sharq, 2002.

17. Nishonov S. «Ta'lim tizimida ma'naviy barkamol shaxs tarbiyasi». J.: Xalq ta'limi, 2000 y. 1-son, 12, 16-b.

18. Рафиев А.,Ғуломова Н. Она тили дарслиги.. –Т.: Шарқ, 2008.

19. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Ойхўжаева Г. "Эстетика асослари" дарслиги. Чўлпон номидаги нашриёт – Матбаа ижодий уйи.

20. Тайлақов Н., Аҳмедов А. IBM PC комьютери.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-Б. .30. 21.To'xliev B., Shamsieva M., Ziyodova T. O'zbek tili o'qitish metodikasi. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. Toshkent-2006. 4-5-б.

22. Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари. ЎТДА 3-йиғини тезислари (Масъул муҳаррир: Ж. Лапасов). – Т.: Ўқитувчи, 1995. 150. Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари. ЎТДА 4-йиғини тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: Ўқитувчи, 1997.

23. Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни. Ўзбек тили" доимий анжумани ўн биринчи йиғини материаллари Тошкент – 2011.

24. Юсупова Ш. Ўқитувчи китоби. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.

25 . Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа. -Т.: Mumtoz so'z, 2009.

26. Юсупова Ш. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси.-Т. Андижон. 2007.

27. G'ulomov A. Ona tili o'qitish tamoyillari va metodlari: Ona tili o'qituvchilari uchun uslubiy qo'llanma. -T., O'qituvchi, 1992, 71-b.

28. Ҳусанбоева Қ. Таълимнинг замонавий технологиялари ва мустақил фикрлаш. Тил ва адабиёт таълими 2003 – йил № 3. 7 – 8 – бет.

29. Ҳошимов К, Нишонова С, Иномова М, Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

30. Ҳамроев А. Она тили методикасини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти // «Узлуксиз таълимда янги педагогик ва информацион технологиялар» мавзуидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2003. – 33-34-б.

МУНДАРИЖА

Шоҳидахон Юсупова
Ойдиной Ғозиева

Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури

Муҳаррир Б.Ботиров
Техник мухаррир Б.Ботиров
Дизайнер Б. Тўхлиев
Саҳифаловчи Б. Раҳматов

Босишга 2013 йил 17 октябрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 $^{1}/_{16}$ Times гарнитураси.
Офсет босма. Шартли б.т.: 10,0.
Адади 400 нусха. Буюртма № 43

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.